**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“ТАРМОКЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

# “Реал секторда сифатни бошқариш”

**ФАНИДАН**

# ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 200000 | - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ |
| **Таълим соҳаси:** | 230000 | - Иқтисод |
| **Магистратура мутахассислиги:** | 5A230102 | - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) |

**САМАРҚАНД 2020**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг 2017 йил 107-сонли “Янги ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил ___ августдаги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган “Реал секторда сифатни бошқариш” фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

**Абдукаримов Ф.Б. “Тармоклар иқтисодиёти” кафедраси доценти в.б., и.ф.н.**

**Тақризчилар:**
**Ш.А.Султонов “Тармоклар иқтисодиёти” кафедраси доценти, и.ф.н.**
**Э.Шавқиев “Тармоклар иқтисодиёти” кафедраси доценти, и.ф.н.**

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий Кенгашида муҳокама этилган ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш ҳамда нашр учун тавсия этилган. Баённома №1, 2020 йил 30 август.

•

**“Реал секторда сифатни бошқариш” фанидан тайёрланган ўқув –услубий мажмуа**

## Мундарижаси

1 Ўқув материаллар
2 Мустақил таълим машғулотлари
3 Глоссарий
4 Иловалар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“ТАРМОКЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

# “Реал секторда сифатни бошқариш”

**фанидан**

# ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР

**САМАРҚАНД-2020**

## Кириш

***Ўқув-услубий мажмуа*** – Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида магистратура таълим босқичиларининг Ўқув режаларида акс этган фанлар бўйича профессор-ўқитувчининг дарс жараёнига ўқув-услубий тайёрлигини тасдиқловчи энг муҳим мезон, меъёрий-услубий ҳужжатдир.

***Мажмуанинг асосий мақсади*** – авваломбор фаннинг ўқитувчиси, худди шунингдек талаба учун, фанни ҳар томонлама сермазмун, чуқур назарий, услубий ва амалий тарзда етказиш (талаба учун – ўзлаштириш) учун ягона ўқув-услубий ва ахборот-ресурс манбаини яратиш ҳисобланади.

Ўқув-услубий мажмуа Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти магистиратура таълим мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, у жумладан қуйидаги таркибий тузилишга эга:

– ***фаннинг меъёрий-услубий таъминоти,***

– ***фаннинг мазмуни ва ахборот-ресурс таъминоти,***

– ***фанни ўқитишнинг интерактив технологиялари,***

– ***талабаларнинг билимини баҳолаш услубиёти,***

– ***қўшимча электрон таълим ресурсларини*** ўз ичига олган.

## Илғор хорижий тажриба билан узвийлик

Мазкур мажмуа илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2020/2021 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин” деб алоҳида таъкидланган.

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбаини ишлаб чиқишда Данкин Университети, Массачусетс Технология институти ва Нью-Йорк Давлат Университети (АҚШ), Оксфорд Университети, Бат Университети ва Лондон Метрополитен Университети (Буюк Британия), Бремерхафен Университети (Германия), Васеда Университети (Япония), Кемёнг Университети (Корея Республикаси), Шанхай Университети (ХХР) ва бошқа етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

## Мажмуани такомиллаштириш масалалари

Электрон ўқув-услубий мажмуа ўқув йили мобайнида халқаро ва миллий иқтисодиёт тизимидаги ўзгаришлар ва тенденциялар, янги қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларни, хорижда ва республикада чоп этилган янги ўқув ва илмий адабиётларни, фан-техника ва технология борасида эришилган янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштирилиб борилади.

**“Реал секторда сифатни бошқариш”** фани ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

- ***биринчидан,*** реал сектор корхоналарида маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобатни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

- ***иккинчидан,*** реал сектор корхоналарида маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг сифатга бўлган ҳолатини таҳлил қилиш ва сифатни бошқариш усулларини билиш;

- ***учинчидан,*** реал сектор корхоналарида маҳсулотлари ишлаб чиқаришида стандартлаштириш, сертифакатлаштириш ва метрологик фаолиятни таҳлил қилиш ва истиқболда амалга ошириш;

- ***тўртинчидан,*** реал сектор корхоналарида сифатни бошқаришда халқаро давлатлар тажрибасини ўрганиш; ISO халқаро стандартлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- ***бешинчидан ,***истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва реал сектор корхоналарининг маҳсулот сифатига бўлган талабни ошириш ҳамда сифатни бошқариш борасида қарор қабул қилишни ўрганади.

Шунингдек, “**Реал секторда сифатни бошқариш**” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

## РЕЖА:

1. Реал секторда маҳсулоти сифати ва рақобатбардошлиги - фани ўқув курси сифатида.
2. Реал секторда сифатнинг таърифи ва тавсифи.
3. “Реал секторда сифатни бошқариш” курсининг предмети.

2

Юксак тараққий этган мамлакатлардаги ривожланишга аввало рақобат муҳити кучлилиги туфайли эришилади. Рақобатбардош товарлар, хизматлар, ишлаб чиқаришга узлуксиз интилиш бозор иқтисодиётига хос қонуният ҳисобланади.

↓

Шу боисдан республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳозирги даврда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган товарлар рақбатбардошлигини ошириш асосий муаммодир.

3

Бу масалани ҳал этиш ички ва ташқи бозорда Ўзбекистон товарларининг мавқеини оширади ва миллий иқтисодиётда пайдо бўлган барча муаммоларни ижобий ҳал этишга йўл очади.

Маълумки, ҳозирги пайтда бизнинг аксарият кўп турдаги товарларимиз ўз ички бозоримизда ҳам чет эл товарлари билан рақобатга бардош бера олмаяпти.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида эса маҳсулот сифатини яхшилаш – ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

5

Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий меҳнатнинг тежалиши, асосан, сифатли маҳсулотни истеъмол қилиш соҳасида юзага келади. Сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш эса ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларида, шунингдек, айрим ишчи-хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигида ҳам ўз аксини топади.

Маҳсулот сифати яхшиланиши ҳисобига ижтимоий меҳнат унумдорлиги ортади. Яъни бир хил ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифат кўрсаткичлари яхшиланиши ҳисобига шу маҳсулот бирлигининг баҳоси ортиб, товар маҳсулоти қиймати кўпаяди.

Ишчилар сони ўзгармаган ҳолда, товар маҳсулоти қийматининг ортиши ҳар бир ишчига тўғри келадиган ўртача товар маҳсулоти кўпайишига ва меҳнат унумдорлиги кўтарилишига олиб келади.




Маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш стратегик муаммо бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг стабиллашуви бу муаммоларнинг ҳал этишига боғлиқдир.

Сифатни яхшилаш жараёни маҳсулотни сотиш ёки хизматлар кўрсатишда фақатгина кўпроқ фойда олиш учунгина эмас, балки жамият учун, унинг равнақи учун ҳам зарурдир.

9

Маълум фойдалиликка эга бўлиб, сотилиш баҳоси билан таннарх ўртасидаги фарқга эга бўлган товарлар албатта сотилиши керак.

Товарларни сотиб олар эканмиз, биз уларни фақатгина зарур бўлгани учунгина эмас, балки бизга ёққани учун ҳам ҳақини тўлаймиз.

Бунда товарларнинг ташқи кўриниши, фойдаланишнинг қулайлиги, хизмат кўрсатиш муддати, техникавий тавсифи, кафолатли хизмат кўрсатиш шартлари кабилар уларнинг баҳосини белгилашда муҳим омил ҳисобланиб, харидор товарни "маълум эхтиёжларни қондиради", деган умид билан сотиб олади. Шундай қилиб товарни сотилишининг муҳим шартлари-харидорнинг унинг кафолатланган сифатига ишонч ва баҳосидир.



**Маҳсулот сифати**

- маҳсулотга нисбатан қўйилган халқ эҳтиёжи талабларини қондирилиш даражаси, уларнинг хосса хусусиятлари, ташқи кўриниши, ишлатилишининг қулайлигига айтилади.

11

Маҳсулот сифати истеъмолчилар учун энг асосий кўрсаткичлардир, чунки, сифат маҳсулотнинг истеъмол хусусиятини белгилайди.

Маҳсулот сифатини ошиши унинг хажмини оширишга олиб келади, шунингдек маҳсулот маҳсулот сифатини ошиши учун нисбатан кам маблағ талаб қилинади.

Истеъмолчилар талабини қондириш дегани бу таварлар ишлаб чиқариш учун эхтиёж бор дегани бу ўз навбатида корхона бир меъёрда ишлашини таъминлайди ва уни келажагини белгилайди.

18

Сифатни бошқариш деган тушунча деярли янги йўналиш бўлишига қарамай унинг жадал ривожланиш даври бозор иқтисодиёти даврига тўғри келади.

Маҳсулот сифатини бошқариш — маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарурий даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуасидир.

## Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади

- Бу ерда маҳсулот сифати маҳсулотни тайёрлаш меъёрий-техникавий ҳужжатлар, жиҳозлар, ускуна ва асбоблар, олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмлар сифати билан аниқланади.
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини баҳолаш мезони сифатида амалдаги техникавий-иктисодий кўрсаткичлар лойиҳа ҳужжатларда, яъни биринчи босқичда кўзда тутилган мос кўрсаткичларга мувофиқлик даражаси хизмат қилади.

20

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини сақлаб туриш айланиш ва сотиш, фойдаланиш ёки истеъмол қилиш босқичларида амалга оширилади. Маҳсулот айланиши ва сотилиши сифати сақлаш ва транспортлаш сифатларидан йиғилади.

Фойдаланишдаги маҳсулот сифатига келганда, у фойдаланиш ва таъмирлаш ҳужжатлари, фойдаланиш ва таъмирлаш жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар сифатларига ҳамда фойдаланувчи ва таъмирловчи ходимлар малакасига боғлиқ.

Одатда, ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларнинг умумий миқдори асосий ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ҳамда назоратга ва яроқсиз, дефект маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кетган харажатлардан иборат бўлади.

Назорат қанчалик аниқ, асосли ўтказилса, дефект маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига йўқотишлар шунчалик қисқаради, назорат сарф-харажатлари ортади.

Назорат сарф-харажатларини оширмаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техник шартларга мос келиши даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир.




23

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд.

24

Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олий сифат даражаси шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;

25

- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатни баҳолаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;
- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш, сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасинини баҳолаш.

26

## 2-Мавзу: Реал секторда маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги

***Режа:***

1. ***Маҳсулот сифати кўрсаткичлари.***
2. ***Сифатнинг шахсий, комплекс, гурух, умумий интеграл кўрсаткичлари.***
3. ***Сифат соҳасидаги сиёсат.***
4. ***Товар ва хизматлар рақобатбардошлиги.***

32

## Маҳсулот сифати кўрсаткичлари

Махсулот сифати шартланган ёки тахмин килинган эхтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хусусият ва тавсифлари мажмуи.

33


Маҳсулот
сифатинин
белгиланиш
Махсулотлар сифатини мухандис, инженерлар томонидан ёки сифатини умумий бошкариш усуллари билан эмас, балки махсулот сифатини харидор белгилайди.
Истеъмолчиларда махсулотдан фойдаланиш ёки эксплуатация қилиш жараёнида махсулотларни сифати бўйича тажрибаси жамланиб боради.
Махсулотнинг сифатини илмий техник тараққиетининг кўзгуси (ойнаси) хам деб аташ мумкин.


Махсулот сифати иқтисодий категория сифатида корхонанинг бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳам узвий боғликдир.
Бу кўрсаткичларга маҳсулотни таннархи, қиймати, фойда ва рентабиллилик кўрсат-кичларини кўрсатиш мумкин.
Маҳсулот сифатини ошириш макро ҳам микро даражада жуда мухим аҳамиятга эгадир.

***Махсулот сифатини оширишни макро даражада куриб чикадиган бўлсак, у холда:***

- Товарлар ва хизматларни экспортини яхшиланишига имкон бериши;
- Экспорт структурасини яхшиланишига эришиш мумкин;
- Фан техника тараққиётини тезлаштиришга эришиш мумкин;
- Жамоа ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшиланишига эришиш мумкин, яъни махсулот сифатини ошириш, ишлаб чикариш воситаларидан ва меҳнат предметларидан, ишчи кучидан ва молиявий ресурслардан фойдаланишни яхшилашга олиб келади;
- Халқни турмуш даражасини оширишга эришилади, яъни махсулот сифатини ошириш орқали реал иш хақини оширишга эришиш мукмкин;
- Давлатни мавқеини оширишга эришиш мумкин;
- Инсонларни гўзаллик руҳида тарбиялашга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб махсулот сифатини макро даражада кўриб чиқадиган бўлсак, махсулот сифатини ошириш орқали фан- техника тараққиётини тезлаштиришга, жамоа ишлаб чиқариш самарадорлигини ва экспортни кенгайтиришга, тараққий этишга ва гуллаб яшнашга олиб келади.

37

Бунинг учун давлат ҳамма кучини шу масалага сафарбар қилиши зарур. Биринчи навбатда бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилган бўлиши керак. Хозирда Республикамизда бу масала борасида етарли даражадаги ҳуқуқий асослар яратилган.

1996 йилда ЎзРнинг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, ЎзР «Сертификациялаштириш тўғрисида»ги Қонуни, ЎзРнинг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўз Рнинг «Истеъмолчиларни хақ-ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги Қонунлари қабул қилинган.

38



*Корхоналарда махсулот сифатини доимий равишда ошириб бориш орқали:*

- *Корхоналарни мавқеини оширишга эришиш мумкин;*
- *Корхона юқори даражадаги машхурликка эришади, шухрати ортади;*
- *Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотларга, хизматларга бўлган муносабат мустахкамланди, реклама ривожланади.*


5. Социологик усул бўлиб, бунда маҳсулот ҳақидаги амалдаги ёки келажакдаги фикрлар йиғилади.
Махсулот сифатини белгилашда қўлланиладиган усулларга:
1. Ўлчов асбоблар ёрдамида аниқлаш усули;
2. Қайд қилиш ёки рўйхатга олиш усули;
3. Ҳисоблаб чиқиш усули;
4. Органалептик усул, бу усулда кишиларни сезиш органларни қабул қилиш қобилиятлари таҳлил қилинади, яъни куриш, эшитиш, хид ва таъм билиш кобилиятлдари назарда тутилади.
6. Эксперт усули, бунда бир гурух мутахассислар, дизайнерлар, дегустаторлар қатнашадилар.


Сифат кўрсаткичлари мажмуаси қуйидагилар
1. Вазифа кўрсаткичлари;
2. Ишончлилик кўрсаткичлари;
3. Тўхтамаслик кўрсаткичлари;
4. Чидамлилик кўрсаткичлари;
5. Таъмирлашга яроқлилик кўрсаткичлари;
6. Сақланиш кўрсаткичлари;
7. Эргономик кўрсаткичлари;
8. Эстетик кўрсаткичлари;
9. Технологик кўрсаткичлари;
10. Транспорт кўрсаткичлари;
11. Патент-ҳуқуқий кўрсаткичлари;
12. Экологик кўрсаткичлари;
13. Хавфсизлик кўрсаткичлари;
14. Махсулотни сифатини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичлар.

## Эргономик кўрсаткичлари. Уларни 4та асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Гигиеник (ёритилганлийлиги, температураси, намлиги, босм ва бошқалар назарда тутилади).
2. Антропометрик (маҳсулот конструкциясини инсон танасига ва унинг бошқа алоҳида органларига мос келиши, инсон танасини оғирлигини маҳсулот конструкциясида тўғри тақсимланиши ва бошқаларни назарда тутади).

42




Маҳсулотнинг
рақобатбардошли
гини ошириш
тартибини
қураётиб,
корхоналар
қуйидаги олдинга
қўйилган
мақсадларга эга
бўлиши керак:
1. Маҳсулот сифатининг бозор талаби ва аниқ харидор талабига мувофиқ келиши;
2. Маҳсулотнинг сотиб олиш, етказиб бериш ва фойдаланиш харажатлари йиғиндисини камайтириш;
3. Харидор истаган муддатга етказишни амалга ошириш;
4. Корхонанинг бозорда юқори мавқеини яратиш ва корхонанинг мустаҳкам ҳамкор сифатида тасдиқлайдиган далилларни келтира билиш.


МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА ҚУЙИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИ БИР-БИРИДАН ФАРҚЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА:
Маҳсулотнинг сифати кўрсаткичи деб унинг сифатини белгиловчи бир ёки бир неча хосса-хусусиятларнинг миқдорий тавсифига айтилади.
Маҳсулотнинг белгиси – унинг барча хусусият ва ҳолатларининг сифат ва миқдорий тавсифидир.
Маҳсулотнинг параметри – унинг белгиси бўлиб, барча миқдорий хусусият ва ҳолатларни ифодалайди.
45

Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омилларнинг таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун **сифатни бошқариш тизими** зарур.

Бунда айрим уюшмаган ва тасодифий харакатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида маҳсулотни яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур.

46

## Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат менеджментининг қуйидаги концепциялари қўлланади:

- сифат тизими (Quality system);
- сифатни бошқаришга асосланган, менеджмент тизими (Quality Driven Management System);
- умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management);

48




## МАҲСУЛОТ СИФАТИ ТИЗИМИ.

**Сифат тизими – сифатни умумий бошқаришни амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий тузилмаси тартибли харакатлар (процедура), жараёнлар ва ресурслар мажмуаси.**

Сифат тизимлари яратилиши ва фаолияти қуйидаги мақсадаларга эришиш учун зарур:

- сифатни таъминлаш;
- сифатни бошқариш;
- сифатни яхшилаш.

***Маҳсулот сифатини бошқаришнинг мажмуавий тизими (МСБМТ) доирасида қуйидаги вазифалар бажарилади:***

- маҳсулотга бўлган талаб, унинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш;
- маҳсулот сифати ва уни оширишни режалаштириш;
- маҳсулот сифтига бўлган талаблар;

маҳсулотни аттестациялаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қуйишни ташкил қилиш;

ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлигини ташкил қилиш;

- метрологик таъминотни ташкил қилиш;
- моддий техникавий таъминотни ташкил қилиш;
- кадрларни махсус тайёрлаш ва ўқитиш;

- маҳсулот сифатини режалаштирилган барқарор даражасини ишлаб чиқиш, уни ишлаб чиқариш, омборларга жойлаш, транспортлаш сотиш ва фойдаланиш пайтларида, яъни унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида таъминлаш;
- Маҳсулот сифатини оширишга қизиқтириш;
- Андозалар техникавий шартларни тадбиқ этиш ва ўлчаш воситалари ҳолати устидан давлат назорати;
- Маҳсулот ситфатининг ҳуқуқий таъминоти.
- МСБМТ нинг ахборот таъминоти;
- Етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида сифат масалалари бўйича ўзаро муносабатларни ташкил қилиш.

## 3-Мавзу: Реал секторда маҳсулот сифатини бошқаришда миллий ва чет эл тажрибаси

### Режа:

1. *Маҳсулот сифатини бошқариш тушунчаси.*

2. *Сифатни бошқаришда АҚШ тажрибаси.*

3. *Сифатни бошқаришда Япония тажрибаси.*

4. *Ўзбекистон корхоналарида сифатни бошқариш хизмати.*

АҚШ фирмаларида сифатни бошқаришда жараёнларини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларни қуллайдилар:

- фирманинг олий бошқарув бўғинларининг сифатни таъминлаш тизимида оддий қатнашишдан тизимли бевосита бошқарувга ўтиш;
- барча тоифали кадрлар малакасини оширишга диққатни кескин ошиши;
- барча тоифали ходимлар учун фирмада бажарилаётган ишлар ва операцияларга андозалар қўллаш. Бу андозалар иш натижаларини ихтиёрий баҳолашни бартараф қилиш керак ва биринчи мартадан тўғри ҳамда "дефектлар сони-ноль" талабларини амалга оширишни таъминлаши керак;
- Сифатни нафақат техникавий кўрсаткичлар орқали балки нарх кўрсаткичлари орқали ўлчаш, натижада "сифат нархи-тушунчаси киритилади, у ўз ичига номувофиқлик нархи" ва "мувофиқлик нархи" ни олади.




Бу тизим қуйидаги вазифаларни бажарадиган 9 та кичик тизидан иборат:

- сифат тизимини бошқариш;
- буюм ишлаб чиқаришни назорат қилиш;
- сотиб олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмларни назорат қилиш;
- технологик жараённи ишлаб чиқиш ва операцион назорат;
- маҳсулот  сифати ҳақида  информация;
- махсус тадқиқотлар;
- сифат тавсифларини ўлчаш ва назорат-ўлчаш апаратураси;
- сифатни кўтариш ишларига ходимларни жалб қилиш;
- буртмачилар билан алоқа ўрнатиш.

**Япония тажрибаси**

70 йиллар бошида Япония товарларининг ҳалқаро бозорини "босиб олиши" бошланди. Бу босишнининг сабабларидан бири шундаки, Япон товарлари арзонроқ эди.

Бу баҳо рақобатига сезиларли таъсир қилган эди. Лекин ҳозир ҳам япон ва америка товарларининг нархлар деярли бараварлашганда "босиш" мувафақиятли давом этмоқда. Бу мувафақиятнинг асосида сифати юқори бўлган туфайли япон товарларининг рақоабатбардошлиги "сифат рақобати" ётади.

Масалан, япон автомабили ўрта ҳисобда америка автомабилидан ўн марта камроқ ишдан чиқади, америка теливизорларининг носозлик частотаси япон теливизорларидан 1.5-2 баравар ортиқроқ.

Рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш учун япон фирмалари сифатни бошқариш усулларини мунтазам равишда такомиллаштиридилар.

Фирмаларни кўпчилигида сифатни бошқариш қуйидаги тамойилардан иборат:

- сифат бўйича умумфирма сиёсатини ўтказиш ва уни узоқ муддатга режалаштириш;
- товарларнинг янги турларини ишлаб чиқишда янги тамойиллар ва усулларни қўллаш;
- фирмаларнинг барча бўилмларини қамраб оладиган сифатни таъминлаш тизимини яратиш;
- сифат устидан назорат;
- сифатни бошқариш бўйича фаолиятни савдо-агентлари, савдо фирмалари, дўконларга тарқатиш.

Сифатни бошқаришга бундай ёндошиш умумий сифат деган ном олди. Унинг моҳияти қуйидагича:

- маҳсулот сифатини яхшилашда сифат тўгаракларига бирлашиб, фирманинг барча ходимларини қатнашиши шарт;
- фирма раҳбарияти сифат даражасини доим таҳлил ва назорат қилиш шарт;
- ҳамма иш ўринларида назоратнинг статистик усуллари қўлланиши керак;
- доим сифатни назорат қилиш усулларини барча даражаларда миллий миқиёсда ўргатиш лозим;
- сифатни назорат қилиш усулларини тадбиқ этиш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олиши керак.

## ЕВРОПА ТАЖРИБАЛАРИ



Айрим Ғарбий Европа компаниялари бошқаришнинг Япония усули деб аталувчи усулини ўрганишда ишларининг оқилона элементларини жорий қилиш билан бошладилар.

Энг кўуп таркалган сифат тўгараклари булди.

Биринчилардан бўлиб, бу усулни қўллаган давлат Буюк Британиядир.

Сифат тўгаракларининг фаолияти факатгина корхона ишларини яхшилаш билан бир каторда бошқариш аппаратининг ишларини яхшилаш, иш юритишни осонлаштириш хужжатлар сонини камайтириш, келишиб олиш ва қарорлар кабул қилишни такомиллаштириш масалалари билан шуғулланади.



Мутахассислар-нинг фикрича Ғарбий Европа фирмаларида тўгаракларнинг жорий бўлиши Японияникидан жадаллироқ экан.



Белгияда шундай тўгараклар ташаббускорилари сифат тўгарагининг амалий ассоциациясига бирлашган.

Мамлакат бўйлаб сифат тўгараклари фаолият кўрсатаётганликлари қайт қилинган.

Мамлакатдаги кўпгина фирмалар сифат назоратини ялписига жорий қилиш йўлини тутди.Бу эса ўз навбатида сифат тўгарагининг мавқеини бирмунча оширди.

1986 йили Италия миллий ассоциацияси сифат тўгаракларини ташкил қилди ва хозирга келиб бу мамлакатда 400 дан ортиқ корхоналарда сифат тўгараклари мавжуд бўлиб, уларнинг сони 4 мингдан ортиб кетди. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда корхоналарда тузилган сифат тўгараклари 96 фоиз ютуқларга эга бўлмоқда.






Сифат тўгарагининг Швед ассоциацияси 110 корхонани бирлаштирди,ҳаммаси бўлиб мамлакатда 500 ширкатлар ўз режаларига эга.

Булардаги энг фаол сифат тўгаракларининг сони 30 дан ортиқни ташкил қилади.

## Хитой Халк Республикасида сифат тўгараклари хам аста-секин кўпая борди

1980 йилда мамлакат бўйича 400 мингдан ортиқ "Сифат тўгараклари" бор деб ҳисобланар эди.

1985 йилга келиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди. Хитой тўгараклари мухандис-техник ходимларни, ишчиларни ва бошқарув бўғинидаги хизматчиларни бирлаштирадиган тўгаракларни ўз ичига олади.

## Бу тадбирларнинг ҳаммаси нималарга олиб келади, саноатга нима беради?

Даставвал, корхона ходимлари томонидан ўзларининг мақсадлари ва вазифалари аниқ билиш ва қуришдан иборат.

Сифат тўгараклари коллективга таъсир кўрсатиб, уларни маҳсулотнинг сифатини юқори даражада таъминлашга ходимларни сафарбар қилади.

Шунинг учун кўпгина мамлакатларда бу масалага биринчи навбатда масала деб қаралмоқда.

Бу муаммони ечишда корхона раҳбари ва коллектив тадбирларга ишонч ҳосил қилиб, қўлни-қўлга бериб бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилишларини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

АНА ШУНДАГИ СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРА БОШЛАЙДИ.

Буни хар бир ишбилармон, корхона раҳбари чуқур тушуниши ва виждонан бажариши лозим. Маҳсулот сифатининг яхшиланиши саноатни ҳар тарафлама ривожланишига,мустаҳкамланишига олиб келиб, давлатнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Маҳсулотнинг сифатини пастлиги (рақобатбардош эмаслиги) – бу абстракт категория бўлмай балки корхонанинг яшовчан эмаслигига аниқ асосдир. Шунинг учун сифат муаммоси эндиликда стратегик муаммодек англанади.

# 4-МАВЗУ. РЕАЛ СЕКТОРДА СТАНДАРТЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Режа:***

1. Стандартлаштиришнинг мақсадлари ва вазифалари.
2. Стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар ва уларга қуйиладиган талаблар.
3. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва унинг сифатни таъминлаш тизимини тартибга солишдаги роли.


Стандартлаштириш - ҳақиқатда амалга оширилаётган ёки потенциал масалаларга нисбатан кўплаб марта фойдаланиш учун маълум шартларни ўрнатиш орқали оптимал даражада тартибга солишга эришишдир.
Бизнинг республикамизда стандартлаштириш ишлари билан Уздавстандарт, шунингдек, фаолият соҳаларининг бириктирилишига қараб Давлат табиатни сақлаш қўмитаси, Давлат қурилиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги шуғулланади.


"ЎЗСТАНДАРТ" АГЕНТЛИГИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ
Стандартлаштириш
Сертификатлаштириш ва синовлар
Метрология
Аккредитация
Халқаро талабларга мувофиқлаштириш
Халқаро даражада тан олишга эришиш

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
28.12.1993 Й.
N 1002-XII

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1993 ЙИЛ 2 МАРТДАГИ 93-СОНЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1994 ЙИЛ 12 АВГУСТДАГИ 410-СОНЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

2002 ЙИЛ 3 ОКТЯБР 342-СОНЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Асосий тамойиллар ва Давлат стандартлаштириш тизими белгилаб берилган

Стандартлаш, метрология ва сертификациялаш миллий тизимини яратиш бўйича Ҳукуматнинг махсус қарори

Давлат стандартлаштириш тизимининг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари

Ташкилий масалалар, стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва жорий этиш механизми тартибга солинади

## Асосий талаб

**Норматив хужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди !**

**Ўзбекистон Республикаси
"Стандартлаштириш тўғрисида"ги
Қонунининг 6 моддаси**

## "СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИ" ДА

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган**

- 1-модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари
- 2-модда. Давлат стандартлаштириш тизими
- 3-модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш
- 4-модда. Стандартлаштириш тўгрисидаги қонун хужжатлари
- 5-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар
- 6-модда. Норматив хужжатларнинг тоифалари ва уларга
- қўйиладиган асосий талаблар
- 7-модда. Стандартлаштиришга доир норматив
- хужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланиши
- 8-модда. Давлат назорати органлари ва объектлари
- 9-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги
- 10-модда. Стандартлаштириш тўгрисидаги қонун
- хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
- 11-модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти
- 12-модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

## Республикамизнинг барча иқтисодиёт тармоқларида

## «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ







Стандартлаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритади

Маҳсулот ва хизматларга оид Давлат стандартларини тасдиқлайди (O'z DSt)

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги устидан давлат назоратини олиб боради

Стандартлаштириш бўйича халқаро муносабатларни олиб боради

Стандартлаштириш бўйича халқаро муносабатларни олиб боради

Халқаро стандартларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатади

# Давлат стандартлаштириш тизими




## Республикамизнинг барча иқтисодиёт тармоқларида «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ







Стандартлаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритади

Маҳсулот ва хизматларга оид Давлат стандартларини тасдиқлайди (O'z DSt)

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги устидан давлат назоратини олиб боради

Стандартлаштириш бўйича халқаро муносабатларни олиб боради

Стандартлаштириш бўйича халқаро муносабатларни олиб боради

Халқаро стандартларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатади

Қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялашда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ



Қурилиш соҳасидаги давлат стандартларини тасдиқлайди(O'z DSt)

Қўрилиш соҳасида давлат назоратини олиб боради

Шаҳар созлик меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди (ШМҚ)

Қурилиш меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди (ҚМҚ) )

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида

Атроф ва табиат муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат назоратини амалга оширади

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиради

Экологик меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид стандартларни тасдиқлайди

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида





Соғлиқни сақлаш соҳасига оид стандартларни ишлаб чиқади (O'z DSt, TSt)

Санитария меъёрларини ва гигиеник талабларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди(СанПиН)

Фармакопея мақолаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди

Инсон саломатлигини таъминлаш борасида давлат назоратини олиб боради

Озиқ-овқат маҳсулотларига, инсон саломатига таъсир кўрсатиши мумкин маҳсулотларига оид стандартларни келишиб беради(O'z DSt, TSt, KSt, TSh)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ



**Мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида**

Мудофаа эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга оид стандартларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК ҚЎМИТАЛАР

| | |
|---|---|
| ТК-1 «Ўзнефтгаз маҳсулоти» | ТК-14 «Ўзчармmaҳсулот» |
| ТК-2 «Пахта» | ТК-15 «Куролли кучлар соҳасидаги стандартлар » |
| ТК-3 «Донмаҳсулотлари» | ТК-16 «Автомобил ва дарё транспортини стандартлаштириш» |
| ТК-4 «Озиқ овқат маҳсулотлари» | ТК-17 «Жисмоний тарбия ва спорт» |
| ТК-5 «Ипак маҳсулотлари» | ТК-18 Узлуксиз таълим стандартлари |
| ТК-6 «Ўзвинпром-холдинг» | ТК-19 Туризм соҳасида |
| ТК-7 «Алоқа ва ахборотлаштириш» | ТК-20 Энергетика соҳасида |
| ТК-8 «Уруғчилик» | ТК-21 Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида |
| ТК-9 «Ўзавтосаноат» | ТК-22 Саноат хавфсизлиги соҳасида |
| ТК-10 «Гўшт-сут маҳсулотлари» | ТК -23 Геологияқидирув соҳасида |
| ТК-11 «Даварxитектқурилиш» | ТК-24 Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника соҳасида |
| ТК-12 «Кимёсаноат» | ТК-25 Йўл харакат хавфсизлиги соҳасида |
| ТК-13 «Енгилсаноат» | ТК -26 Ёнғин хавфсизлиги соҳасида |

*ИСО халқаро ташкилотнинг расмий маълумотига кўра АҚШ да 553, Венгрияда 186, Грецияда 112, Украинада 639, Россияда 476 та техник қўмиталар фаолият юритиб келмоқда*

# НЕФТ ВА ГАЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК ҚЎМИТА

- “ЎзЛИТИнефтгаз” лойиҳа илмий тадқиқот институти;
- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти;

→ Фан ва изланиш

- “Ўзстандарт” агентлиги;
- Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси;
- Ўздавнефтинспекция;
- Ўздававианазорат.

→ Давлат назорати идоралари

- “Ўзбекхиммаш” ОАЖ;
- “Нефтегазконструкция” ОАЖ;
- “Ўзтрансгаз” АК;
- “Ўзнефтмаҳсулот” АК

→ Ишлаб чиқарувчилар

- Мудофаа вазирлиги;
- Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси

→ Истеъмолчилар




**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги)нинг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



# ТАРМОҚЛАРДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛАШГАНЛИК ҲОЛАТИ

| № | Тармоқнинг номи | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига меъёрий ҳужжатлар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Халқаро | | Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар (ГОСТ, O'z DSt, TSh ) | | | |
| | | | | | Жами | | Шу билан бирга, уйғунлаштирилган | |
| | | | дона | % | бирлиги | % | бирлиги | % |
| **Жами:** | | **48720** | **18799** | **38,6** | **29921** | **61,4** | **3403** | **11,4** |
| 1 | Машинасозлик | **4699** | 1730 | 36,8 | 2969 | 63,2 | 117 | 3,9 |
| 2 | Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлоари | **4347** | 1146 | 26,4 | 3201 | 73,6 | 277 | 8,7 |
| 3 | Электротехника | **3497** | 64 | 1,8 | 3433 | 98,2 | 506 | 14,7 |
| 4 | Металлургия | **2630** | 782 | 29,7 | 1848 | 70,3 | 202 | 10,9 |
| 5 | Кимё | **2519** | 603 | 23,9 | 1916 | 76,1 | 112 | 5,8 |
| 6 | Ахборот технологиялари | **2347** | 2132 | 90,8 | 215 | 9,2 | 74 | 34,4 |
| 7 | Экология | **2179** | 1229 | 56,4 | 950 | 43,6 | 304 | 32,0 |
| 8 | Енгил саноат | **2133** | 771 | 36,1 | 1362 | 63,9 | 125 | 9,2 |
| 9 | Тиббиёт | **1690** | 736 | 43,6 | 954 | 56,4 | 194 | 20,3 |
| 10 | Қурилиш материаллари | **1663** | 574 | 34,5 | 1089 | 65,5 | 67 | 6,2 |
| 11 | Нефтни излаш ва қайта ишлаш | **1157** | 508 | 43,9 | 649 | 56,1 | 78 | 12,0 |
| 12 | Темирйўл техникаси | **156** | 19 | 12,2 | 137 | 87,8 | 8 | 5,8 |
| 13 | Парфюмерия ва косметика | **146** | 16 | 11,0 | 130 | 89,0 | - | - |
| 14 | Хизматлар | **532** | 46 | 8,6 | 486 | 91,4 | 130 | 26,7 |
| 15 | Бошқалар | **19025** | 8443 | 44,4 | 10582 | 55,6 | 1209 | 11,4 |

## СТАНДАРТЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

### Стандартларнинг электрон кўриниши





Стандартлардан замонавий ахборот технологиялар ёрдамида фойдаланиш учун, электрон шаклидаги меъёрий хужжатлар фонди ташкил этилди.

Фондда 22 000 зиёд стандартларни электрон шакли мавжуд бўлиб, улардан масофадан фойдаланиш имконияти яратилди.

Хозирги кунда ушбу электрон тизим барча худудларимизда ишга туширилган.

## Ишлаб чиқариладиган янги маҳсулотларнинг бозорга кириб боришига кўмаклашиш мақсадида маҳсулотлар каталоглари яратилди







Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни каталог варақлари яратилиши йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар 10000 дан ортиқ Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар каталоглари яратилган

Каталогларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни техник кўрсаткичлари ва уларни қўллаш соҳалари келтирилган

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕЪЁРЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ҲАЛҚАРО АМАЛИЁТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли “Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган

Мажбурий равишда қўллаш




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 192-сонли “Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган

Ихтиёрий қўллаш

# 5-МАВЗУ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ

***Режа:***

5.1. Халқаро стандартларни шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши.
5.2. ISO-халқаро стандартлаш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсади ва вазифалари.
5.3. ISO-9001 сифат тизимини қўллашнинг хусусиятлари. Стандартлаш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари (ИСО, МЭК, СЕН, СЕНЭЛЕК ва бошқалар).
5.4. Стандартлаштириш бўйича Немис миллий ташкилотининг фаолият тамойиллари.

Стандартлаштириш буйича халкаро ташкилот ташкилоти (Interntioal Standards Organizarion) 1946 йилда 25 та мамлакатнинг миллий стандартлаш ташкилотлари томонидан ташкил этилди хамда кискача ИСО деб юритила бошлади.

Амалда бу ташкилот уз фаолиятини 1947 йилда бошлади. Бу ташкилотни тузишда унинг номи барча тилларда бир хилда номланишига эътибор бермади. Ташкилотнинг номини грекча суз "isos" -тенг деб номланади.

Шу сабабли халкаро стандартлаш ташкилоти номи кискача килиниб ISO деб номлади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фолият курсатиб, ривож топмокда.




ISO 9001 серияли стандартлар

Сифат менежменти тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.

**Булардан ISO 9001:2008 «Сифат менежменти тизими. Талаблар» бу туркумнинг энг асосий стандартидир.**

**2005 йилги ISO 9001 стандартига кўра сифатни бошқариш тизимлари ташкилот ёки корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини, шунингдек бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган йўналишларни белгилаган ҳолда, тадбирлар ишлаб чиқиш, етарли даражада ресурслар билан таъминланиши ва раҳбарлик қилиш учун бошқариш тизимидир.**

Умуман олганда, сифатни бошқариш тизими маҳсулот ёки хизматлар якуний натижасининг сифатли бўлишини таъминлашга йўналган ҳолда корхонанинг барча ишлаб чиқариш фаолиятини ўрнатилган тартиб ва талаблар асосида мунтазам бошқаришдир.

Бу, энг аввалом бор, корхона ичида ходимларни ишлаши ва ўзаро алоқалари бўйича зарур ҳажмда ҳужжатлаштириладиган (услубий қўлланмалар, процедуралар, корхона йўриқномалари ва ҳ.к. кўринишда) ва чуқур ўйланган тартиб ва қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилот ёки корхонада ISO 9001 серияли халқаро сифат стандартлари асосидаги СБТ жорий қилиш қуйидагиларга имкон яратади:

- корхонани мақсадлари, бошқариш воситалари ва усулларини сифатга йўналтириш;
- маъмурий бошқариш самарадорлиги;
- ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш;
- корхона бўлинмалари орасида ўзаро алоқани яхшилаш;
- номувофиқликларни олдини олишга эътиборни қаратиш;
- харажатларни камайтириш;
- маҳсулот таннархини камайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот (хизмат) лар сифати ва рақобатбардошлигини доимий ошириш;
- ташкилот обрў-эътиборини ошириш;
- таъминотчиларни танлаш, баҳолаш ва назорат қилиш;
- ўзгараётган бозор шароитларига тезкор ва самарали ёндошиш;
- истеъмолчилар учун доимий ишончлилик кафолатини таъминлаш;
- истеъмолчиларни қаноатланиш даражасини доимо таҳлил қилиш ва ошириш.



**ISO 14000** экологик менеджмент тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.

Экологик менеджмент тизими

Кейинги йилларда бутун дунёда атроф-муҳит экологиясини самарали бошқариш (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) корхоналар сифатни бошқариш тизими билан бевосита боғланган асосий вазифаларини ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда ва корхонани умумий бошқариш тизимининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

## ISO 14000 стандартлари бўйича экологик менеджмент тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- корхонани бошқариш тизимларини оптималлаштириш ва атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирлар олдини олиш;
- экологик бошқарувни самарали жорий қилиш ҳисобига энергетик ресурсларни иқтисод қилиш;
- ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш;
- атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш;
- энергия ва материалларни тежаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни самаралироқ бажариш;
- экологиянинг бузилиши билан боғлиқ бўладиган ортиқча сарф-харажатларни камайтириш;

## ISO 14000 стандартларига мувофиқлик сертификати экология соҳасидаги қоида ва меъёрларга риоя қилинишини расмий тасдиғи ҳисобланади ва:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;
- экологик тоза маҳсулотлар бозорида рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;



## OHSAS 18001

(Occupational health and safety managment systems)

### Ходимлар соғлиғини ҳимоя қилиш ва саноатда хавфсизликни бошқариш тизимини яратиш бўйича халқаро стандарт.

Бу стандарт ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратишга мўлжалланган.

OHSAS 18001 талабларини ISO 9001 ва ISO 14000 билан уйғунлаштириш мумкин.

OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлигини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган хавф-хатарларни, танг ҳолатлар олдиниолиш;
- хавфли ишлаб чиқариш факторларини назорат қилиш;
- иш жойларидаги мавжуд ва келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни идентификатлаштириш;
- иш жойлари ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва корхона умумий корпоратив маданияти яхшилаш;
- ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларини олдини олиш ва бартараф қилиш ҳисобига инсон талафотларини камайтириш;

OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлигини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- бизнесни бевосита ва билвосита сарф-харажатларини, жумладан вақтинча иш қобилятини йўқотилганлиги тўловларини камайтириш;
- корхона обрўсини яхшилаш, инвесторлар эътиборини жалб қилиш;
- танг ҳолатлари рўй бериши эҳтимолларини камайтириш;
- фавқулодда ҳолатлар ва ишлаб чиқариш фалокатлари оқибатларини минималлаштириш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш;
- ходимлар потенциалидан максимал ва самарали фойдаланиш;
- давлат бошқарув ва давлат техникавий назорати идоралари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятлари.

OHSAS 18001 стандартига мувофиқлик сертификати ходимлар соғлиғини сақлаш ва хавфсизлиги соҳасидаги қоида ва меъёрларга риоя қилинишини расмий тасдиғи ҳисобланади:

- ходимлар соғлиғи ва хавфсизлиги соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;
- рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;
- юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш учун зарур.



# ISO 22000 HACCP
# (Hazard Analysis and Critical Control Points)

«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

**ISO 22000 HACCP**
«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқаришнинг мукаммал тизимидир.

Ўтган асрнинг 90- йиллар бошида Европа иттифоқи ушбу тизимни озиқ-овқат саноатида хавфсизликни таъминлай олиши мумкин бўлган энг самарали тизим сифатида қабул қилди.

## ISO 22000 HACCP
## «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

БМТ озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳамкорликда молиялаштириладиган ҳукуматлараро идора Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича «Кодекс Алиментариус» комиссияси томонидан 1993 йили HACCP тизими ва уни жорий қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

HACCP стандарти ишлаб чиқаришни тўлиқ занжири, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот хом-ашёсидан, уни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказишгача қўлланиши мумкин бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига талабларни белгилайди.

Бу стандарт талабларини мустақил ёки ISO 9000 стандартлари асосидаги сифатни бошқариш тизимлари билан биргаликда қўллаш мумкин.

## ISO 22000 HACCP тизими корхонада қуйидагиларни таъминлайди:

- Корхонани ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш занжирида хавфли нуқталарни аниқлаш, уларни назоратда ушлаш, ҳамда самарали бошқариш орқали сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш;
- истеъмолчиларни маҳсулот сифати ва сифат |барқарорлигига ишончни ошириш;
- янги бозорларга чиқиш ва амалдагиларини кенгайтириш учун

  имкониятларни ошириш;
- маҳсулот хавфсизлигини бошқариш учун ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- корхона фаолияти иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;
- ходимлар жавобгарлиги ва маъсулиятини ошириш;
- тендер ва танловларда маълум имтиёзларга эга бўлиш.

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

- ISO халқаро стандартлаштириш ташкилотининг стандартлари
- Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро стандартлари
A) ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказишга тегишли маҳсулотнинг тавсифларини танлаш
B) ўлчаш маълумотларини олишни ва фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий жараёнлар комплекси
*C) ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказиш, ишлаб чиқиш ва ўлчаш услубиятларини метрологик аттестациядан ўтказиш жараёнларини режалаштириш
D) тегишли ўлчаш воситалари билан ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказиш жараёнларини таъминлаш

**10. Маҳсулот сифатини бошқариш...**

*A) маҳсулотни лойихалаш, тайёрлаш ва эксплуатация қилиш жараёнларида зарурий сифат даражасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган жараёнлар йиғиндиси
B) тадқиқот ва лойихалаш босқичларида мамлакатимиздаги ва чет эллардаги эришилган илғор натижаларни тахлил қилиш асосида амалга оширилади
C) муомала, истеъмол ва эксплуатация босқичларида амалга оширилади
D) ишлаб чиқариш босқичда амалга оширилади

## 2-Мавзу. Реал секторда маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги

**Вазиятли масала.**

Ҳудудда жойлашган корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини ошириш борасида харажатлар ошиб кетди. Корхона асосий мақсади бўлиб, буюртма асосида белгиланган режадаги маҳсулотни етказиб бериш вазифаси раҳбар томонидан қуйилди. Маълум бир даврдан кейин корхонанинг рақобатчилари пайдо бўлиши ҳисобига корхона маҳсулотига талаб кескин даражада пасайди. Корхона ишлаб чиқариши жорий даврига келиб кутилган натижани бермади. Корхона раҳбари қандай хатога йўл қўйди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона жорий давр якунида яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).
- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш)

### Тестлар

**1. Сифатни бошқаришда метод (аниқ ўз вақтида) – бу?**

A) маҳсулот сифатини ошириш борасида ўз вақтида – керакли ерда, кераклик миқдорда бажарилган ишлар;
B) ўз вақтида қайта ишланган реструктуризация қилинган метод;
*C) ишлаб чиқариш вазифалари ва бошқарув қарорларининг ўз вақтида амалга ошиши.
D) сифатни таъминлаш жараёни.

**2. Сифатни бошқариш нимадан бошланади?**

A) хомашё ва технологияни янгилашдан;
*B) корхонанинг қайта қуришдан;
C) кадрлар тайёрлашдан.
D) ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришдан.

**3. Маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат тушунчаси нима?**

A) маҳсулотнинг барча хусусиятлари йиғиндиси;
B) маҳсулотнинг истеъмол учун яроқлилиги;
C) маҳсулотнинг истеъмолчиларнинг талабига жавоб бериши.
D) истеъмолчи учун сифатли маҳсулот яратиш.

**4. Маҳсулотни баҳолаш нечта даражадан иборат?**

A) 2 та;
*B) 3 та;
C) 4 та;
D) 6 та.

**5. Жаҳон бозорига чиқаётганда сифатли маҳсулот фандай талабга жавоб беради?**

*A) жаҳон даражасидан юқори;
B) жаҳон даражасидан паст;
C) жаҳон даражасига жавоб бериши;

D) жаҳон даражасига жавоб бермайди.

**6. Товар сифатининг рақобатбардошдик параматерлари нечига бўлинади?**

A) 8 та;

B) 6 та;

*C) 4 та;

D) 9 та.

**7. Сифат тушунчасини фанга дастлаб фанга ким киритган?**

A) Ф.Котлер;

B) Гегел;

C) А.Маслоу;

*D) Аристотел.

**8. Товарлар, хизматлар, ишлаб чиқаришга узлуксиз интилиш бозор иқтисодиётига хос қандан қонуният ҳисобланади?**

*A) Рақобатбардош;

B) Сифатни таъминлаш;

C) Ишлаб чиқариш;

D) Бизнес.

**9. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади?**

A) нархни пасайтириш;

*B) Сифатни яхшилаш;

C) Сифатни ўрганиш;

D) Сифатни бошқариш.

**10. Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида эса________?**

*A) сифатни яхшилаш;

B) Сифатни таъминлаш;

C) Сифатни ўрганиш;

D) Сифатни бошқариш.

## 3-Мавзу. Реал секторда маҳсулот сифатини бошқаришда миллий ва чет эл тажрибаси

**Вазиятли масала.**

Реал сектор тармоқларида озиқ-овқат корхонаси томонидан тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқланишига бўлган эътибор пасайди, корхона асосий мақсади экспорт бўлиб, буюртма асосида белгиланган режадаги маҳсулотни экспортга етказиб бериш вазифаси корхона раҳбари томонидан қуйилди. Маълум бир даврдан кейин импортёрлар томонидан маҳсулотга талаб пасайди. Истеъмолчилар томонидан турли низолар пайдо бўлди. Корхона ишлаб чиқариши давридаги маҳсулот қолиб кетди ва экспорт қилинмади ва корхона кутилган натижани бермади. Корхона раҳбари қандай хатоларга йўл қўйди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).

- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш).

**Тестлар**

**1. Маҳсулот ҳаёт циклининг босқичлари...**
A) тадқиқот ва лойихалаш
B) тайёрлаш
C) муомала ва сотиш
*D) лойихалаш, тайёрлаш, муомала ва истеъмол

**2. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омиллар...**
A) иқтисодий ва ижтимоий
B) техникавий ва ташкилий
*C) техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий
D) ташкилий ва иқтисодий

**3. Маҳсулот сифатининг техникавий омилларга қуйидагилар киради:**
*A) технологик дастгохларнинг, инструментлар ва назорат воситаларнинг холати; хом ашё ва материаллар сифати, техникавий хужжатлаштиришнинг холати ва сифати
B) ишнинг бир маромда, режали олиб борилиши
C) дастгохларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш
D) керакли материаллар, инструментлар, техникавий назорат ва хужжатлаштириш воситалари билан таъминланганлик

**4. Сифатни бошқариш тизимида бошқарув таъсири қуйидаги масалаларни ечиши мумкин:**
A) сифатни бошқариш дастурини тузиш ва уни оширишни режалаштириш
B) маҳсулот сифатига таъсир кўрсатадиган хар қандай бошқариладиган хар қандай бошқариладиган жараённинг холати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва тахлил килиш
C) сифатли бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш
*D) берилган бошқарув дастури асосида бошқариладиган жараённинг холатини сақлаш, унга тегишли ўзгаришлар киритиш

**5. Сифат тизими...**
A) маҳсулот сифатини таъминлаш
B) маҳсулот сифатини бошқариш
C) маҳсулот сифатини яхшилаш
*D) сифатни умумий бошқаришни таъминлашни амалга оширадиган ташкилий структуралар, жараёнлар ва ресурсларнинг йиғиндиси

**6. Маҳсулот сифатини бошқариш – бу. . .**
A) маҳсулот сифатини, унинг техникавий даражасини ва маҳсулотга бўлган талабни башорат қилиш
B) маҳсулот сифатини ва уни оширишни режалаштириш
C) маҳсулот сифатига бўлган шартларни меъёрлаш
*D) маҳсулотнинг тегишли сифат даражасини сақлаш мақсадида лойихалаш, тайёрлаш ва эксплуатация қилиш босқичларида амалга ошириладиган жараёнлар йиғиндиси

**7. Маҳсулот сифатини режалаштириш...**
A) маҳсулотни давлат аттестациясига тайёрлашни кўзда тутади

*B) белгиланган вақтда ва белгиланган вақт оралиғида талаб қилинган сифат маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича асосланган топшириқларни ўрнатиш тушунилади
C) аттестация натижаларини тахлил қилиш, шунингдек маҳсулот сифати кўрсаткичларини яхшилашни таъминлайдиган ишларни амалга ошириш тушунилади
D) маҳсулотни давлат аттестациясидан ўтказиш

**8. Маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйишни ташкил қилиш...**

*A) юқори техникавий даража ва сифатига эга бўлган маҳсулотнинг тажриба намуналари ва конструкторлик хужжатлаштириш яратишга қаратилган
B) корхонанинг маҳсулот тажриба намуналарини ёки ишлаб чиқариш партияларини таъминлашга қаратилган
C) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ҳамда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ўз вақтида назорат қилишни таъминлашга қаратилган
D) иш ўринлари, бригада, цех ва корхонани ўз вақтида хом ашё, материаллар, технологик дастгохлар билан таъминлаш тушунилади

**9. Маҳсулотнинг режалаштирилган сифатининг мутаъдиллигини таъминлаш...**

A) ишлаб чиқаришнинг бир маромда бўлишига қаратилган
B) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материалларни назорат қилишга қаратилган
C) иш ўринларида ишчи хужжатлаштиришнинг сифатига қаратилган
*D) олий категорияли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган

**10. Маҳсулот сифатини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари...**

A) ишлаб чиқилган меъёрий-техникавий хужжатларнинг қонуни шартларига жавоб беришини текшириш
B) буюртмалар ва шартномаларни расмийлаштиришни қонуний тартибида ўрнатиш
*C) маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасининг барча элементларининг қонунларга тўлиқ асосланган ҳолда амалга ошириш
D) яроқсиз маҳсулотлар жўнатганлигига норозиликни билдириш учун материалларни хужжатлаштириш ва хуқуқни химоя қилиш ташкилотларига жўнатишни қонуний тартибда расмийлаштиришни ўрнатиш.

## 4-Мавзу. Реал секторда стандарлаштиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

**Вазиятли масала.**

Реал сектор корхонаси томонидан тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш жараёнига бўлган эътибор пасайди, корхона асосий мақсади аҳолини маҳсулот билан таъминлаш бўлиб, буюртма асосида белгиланган режадаги маҳсулотни савдо каналларига етказиб бериш вазифаси корхона раҳбари томонидан қуйилди. Маълум бир даврдан кейин истеъмолчилар томонидан турли низолар пайдо бўлди, корхона норматив хужжатларсиз ишлаб чиқарган маҳсулоти инсонлар ҳаётига жиддий таъсир қилди. Корхона ишлаб чиқариши давридаги маҳсулот қолиб кетди ва сотилмади ва корхона кутилган натижани бермади. Корхона раҳбари қандай хатоларга йўл қўйди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).

- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш).

## “РЕАЛ СЕКТОРДА СТАНДАРЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ” бўйича КЕЙС

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

1. *Ўқув курсининг номланиши*: “Реал секторда сифатни бошқариш” (1-босқичда таълим олаётган магистрлар учун)

*Мавзунинг номи*: “Рақобат муҳити шароитида саноат корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаштириш”

*Яратилган кейснинг мақсади:* **Рақобат муҳити шароитида саноат корхоналарида сифатни таъминлаш ва маҳсулот сифатини стандартлаштириш масалаларини** таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар қуйидаги *натижаларга* эришадилар:

- саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш моҳияти ва хусусиятларини ёритиб беришни;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва стандартлаштириш кўрсаткичлари таҳлилини;
- фаолият юритаётган корхона мисолида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва ишлаб чиқаришда стандартлаштириш йўлларини ўрганадилар.

2. Мазкур кейс “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

3. *Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи:* “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ нинг 2012-2013 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий хисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2012 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши акс этган.

4. Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ сифатида юқорида зикр этганимиздек, олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончлилигига тўлиқ кафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* хажмдаги кейс-стадилар турига киради.

5. *Дидактик мақсадларга кўра*-синтез ва тахлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган Амалий машғулот дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг хар бир хатти харакати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги тахлиллари ҳамда хулосалар ясашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун “Вазиятли тахлил варақаси”нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жихатларини* намоён этади.

6. Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан “Саноат маҳсулоти сифати ва рақобатбардошлиги”, “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес режалаштириш”, “Тадбиркорлик асослари” фанларининг амалий машғулотларида кенг *фойдаланиш* мумкин.

## Кириш

Ўсиб бораётган истеъмолчилар талабларни доимий ўрганиб бориш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришага самарали бошқариш тизимларини қўллаш орқали эришиш.

Қуйилган мақсадларга эришишда қуйидаги тамойилларга риоя этамиз:

- меъёрий талабларга қаътий риоя этган ҳолда истеъмоллар талабини қаноатлантириш;
- нуқсонли маҳсулотни қабул қилмаслик, нуқсонга йул қуймаслик ва уни утказиб юбормаслик;
- ҳар қандай иш жараёнини биринчисидаёқ тўғри бажариш;
- ўзини харидор ўрнига куйиш;
- далилларга асосланиб қарорлар қабул қилиш;
- ўз вазифасини ва иш жойини доимий такомиллаштириб бориш;
- ўз билим ва малакаларини доимий ошириб бориш.

**Юқоридаги тамойилларни амалга оширишда корхона раҳбарияти ходимларга етакчилик қилади ва қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

- ходимларга қаноатлантирувчи иш муҳитини яратиш;
- маҳсулот сифатини бошқаришда ISO-9001 стандартига амал қилиш;
- ишлаб чиқаришда хавфсизлик устиворлигини таъминлаш;
- барча зарур ресурслар билан таъминлаш;
- ҳар қандай сифат муаммоларини ечилишини таъминлаш;
- қабул қилинган қарорларни натижавий бажарилишини таъминлаш;
- сифат сиёсатини ходимларга етказиш, даврий таҳлил қилиш ва яроқлигини таъминлаш.

Кейсда назарда тутилаётган муаммоли вазиятлар Республикамизда фаолият юритаётган “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ мисолида кечади. (Маълумот ва иқтисодий кўрсаткичлар жамиятнинг йиллик хисоботларидан олиниб тузилган).

## Корхона ҳақида маълумот

«Met-Fur-Servis» корхонаси Тошкент шаҳри ҳудудида ташкил қилиниб, Тошкент шаҳар хокимияти томонидан 2003 йил 23 февралдаги 187-сонли қарорига мувофиқ рўйхатга олинган.

Ташкил қилинаётган корхонанинг Низоми аниқланган, бўлажак маҳсулотнинг модификацияси ва техник тавсифи аниқланган, шунингдек, заводни қуриш, технологик жиҳоз, асбоб-ускуна сотиб олиш ва ходимларни тайёрлаш бўйича зарур ресурслар ажратилган.

Корхонани тузишдан мақсад–Ўзбекистон автомобил саноатини бутловчи қисмлар, айнан штамп, метиз ва пластмасса деталлари билан таъминлашдир.

Корхона штамп, метиз ва пластмасса деталларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технология, технологик жиҳозлар, шунингдек малакали ходимларга эга.

Корхонада қуйидаги участкалар мавжуд:

- штамплаш;
- пайвандлаш;
- гальваник коплаш;
- асбобсозлик;
- термик ишлов бериш;
- пластмасс қуйиш;
- йиғув.

Маҳсулот сифатини таъминлаш кўп даражали сифат назоратига асосланган бўлиб, улар қуйидагилар :

♦ Хом-ашё ва материалларнинг кириш назорати;

♦ Ишлаб чиқариш жараёнида сифат назорати;

♦ Кисмларни даврий синовдан ўтказиш;

♦ Якунловчи, истеъмолчига жўнатишдан олдинги текширув.

Корхона умумий майдони–6397 м$^2$, шундан ишлаб чиқариш майдони – 400 м$^2$ га тенгдир.

Келажак режаларга мувофиқ корхонани техник модеризациялаш, яъни штамп, метиз ва пластмасс деталлари ишлаб чиқаришни замонавий усулларини жорий қилиш мақсад қилиб олинган.

1 илова

«Met-Fur-Servis» МЧЖ
ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ



1-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 137 киши меҳнат қилаётган жамоа 2013 йилда 15626 минг сўмлик маҳсулот яратган. Солиқ тўлангунгача бўлган фойда умумий даромаддан ишлаб чиқариш харажатларини айириб ташланганда 803839 минг сўмни ташкил этган. Корхонананг рентабеллик даражасидан айтиш мумкинки, корхона хар бирлик сўмлик қилинган харжати эвазига 0,68 тийинлик фойда кўрган.

**1-жадвал**

**Корхона фаолиятининг умумий таҳлили**

**Корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари**

***(2012-2013 йй.)***

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2012 й. | 2013 й. | 2013 й. 2012 й. нисбатан % |
|---|---|---|---|---|
| 1. Товар махсулот ҳажми | Минг сум | 89348 | 15626 | 17,5 |
| 2. Сотиш ҳажми | Минг сум | 4547511 | 4612809 | 101,43 |
| 3. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати | Минг сум | 5763690 | 7463305 | 129,5 |
| 4. Ишловчилар сони | Киши | 130 | 137 | 105,4 |
| 5. Иш хақи фонди | Минг сум | 30189 | 9835 | 32,58 |
| 6. Ўртача ойлик иш ҳақи | Минг сум | 335 | 350 | 104,5 |
| 7.Ишлаб чиқариш ҳаражатлари | Минг сум | 712708 | 958104 | 134,4 |
| 8. Солиқ тўлангунгача бўлган фойда | Минг сум | 1095090 | 803839 | 73,4 |
| 9. Соф фойда | Минг сум | 839993 | 546898 | 65,2 |
| 10. Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги | % | 1,17 | 0,68 | 58,1 |

Корхона раҳбарияти махсулот сифатини бозор иқтисодиёти шароитида юқори, таннарх мутаносиблигини таъминлаш, жараёнларни қисқа бажариш даврига амал қилиш ва замонавий ишлаб чиқариш технологияси тамойиллари асосида рақобатбордош махсулот ишлаб чиқариш учун корхона сифат менежменти тизимини таъминлаш асосида халқаро стандартларга мос маҳсулот ишлаб чиқаришни яратишни илгари сурди.

Мазкур кейс стади халкаро стандарт талаблари асосида яратилган булиб, корхонанинг сифат менежменти тизими ёритиб беради.

***Қўлланиш кўлами***

Ушбу кейс стади талаблари корхонанинг барча фаолияти ва жараёнларини ўз ичига олган ҳолда, корхонанинг барча ходимлари, хом-ашё етказувчилар,

истеъмолчилар ва бошқа манфаатдор томонларга қуйидаги маълумотларни тақдим қилишга қаратилган:

- ходимлар жавобгарлиги ва ҳуқуқлари ҳақида;
- сифат менежменти тизими ҳақида;
- корхонада халқаро стандатларни жорий қилиш ҳақида;
- сифат менежменти жараёнларини таркиби ва ўзаро боғлиқлиги ҳақида;
- сифат менежменти тизими юритиладиган хужжатлар;

Жавобгарлик ва ҳуқуқлар

Корхона ташкилий структураси

Корхона ташкилий структураси мазкур қўлланманинг 1 иловасида кўрсатилган.

**Жавобгарлик ва ҳуқуқлар**

Сифатга таъсир қилувчи ишларни бажарётган, текшираётган ва бошқаратётган ходимларнинг жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва ҳамкорликлари корхона халқаро стандартлари ва лавозим йурикномаларида келтирилган. Асосий лавозимдаги ходимларнинг жавобгарлик ва ҳуқуқлари қуйидагиларда кўриш мумкин.

**Корхона директори**

- корхона сифат сиёсатни аниқлайди, тасдиқлайди, уни бажарилиши ва жорий қилинишини таъминлайди;
- корхонада сифат бўйича мақсадларни ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнини бошқаради;
- сифат қулланмасини, ички аудитлар дастурини тасдиқлайди;
- ходимларни истеъмолчилар талабларини бажариш муҳимлиги ҳақида, СМТ хужжатлари, маҳсулот сифати бўйича қонуний ва меъёрий талаблар ҳақида хабардор қилади;
- СМТ бир йилда бир марта ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мувофиқ таҳлил қилади;
- СМТ ни фаолияти тахлилига бағишланган йиғилишлар ўтказади ва унда СМТ фаолияти раҳбарият томонидан баҳоланади;
- ресурсларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилади ва жараёнларни кераkли ресурслар билан таъминлайди;
- СМТ доимий такомиллаштиришини таъминлайди;
- СМТ ни такомилаштиришда ходимларни рағбатлантириб боради.

Директор ўринбосари

- СМТ жорий қилади, сифат сиёсати асосида куйилган максадларни бажарилишини таъминлайди;
- корхонада мақсадларни ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этади;
- СМТ ни ишлаш таҳлилига бағишланган йиғилишларда иштирок этади;
- ходимларни ўқитишга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилади ва раҳбариятга таклифлар билан мурожат қилади, ишлаб чиқариш бўйича ходимларни ўқитишни режалаштиради ва ташкил қилади;
- корхонанинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилади ва раҳбариятга тақдим этади;
- тузатувчи ва олдини олувчи чораларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;
- ишлаб чиқариш технологиясини такомилаштиради.

***Раҳбариятнинг сифат бўйича вакили***

- ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мувофиқ СМТ ни тадбиқ этилишини ва ишчи ҳолда бўлишини таъминлайди;

- раҳбариятга таҳлил қилиш ва такомиллаштириш мақсадида СМТ ни фаолияти ҳақида ҳисобот топширади;

- бир йилда бир марта жараёнларнинг фаолияти бўйича уларнинг раҳбарларидан ҳисобот қабул қилади ва уни умумлаштиради;

- СМТ ҳужжатлари ва ёзувларни бошқариш тизимига раҳбарлик қилади;

- корхонада максадларни ишлаб чикиш жараёнида иштирок этади;

- корхонада истеъмолчилар талабларини тушунилишини жараёнларни ўрнатиш ва уларни ўзаро боғлаш орқали таъминлайди;

- ички аудиторлар фаолиятини бошқаради, ички аудитлар ўтказишнинг йиллик дастурини ишлаб чиқади;

- СМТ ни таҳлил қилиш йиғилишларда ички аудитлар натижасини тақдим этади;

- тузатувчи ва олдини олувчи чораларни натижавийлигини текширишни ташкил қилади;

- СМТ хужжатларини ISO 9001:2008 стандартига мувофиқлигини таҳлил қилади ва зарур ҳолларда уларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлайди.

***Жараён рахбарлари***

- тегишли жараённи бошқаради;
- ўз ходимларига корхонанинг сифат бўйича сиёсати ва мақсадларини етказади;
- ўз жараёнида ўлчамли ва сифат сиёсатига мувофиқ мақсадларини ўрнатади;
- ресурларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва таъминлайди;
- ўз жараённинг бошқа жараёнлар билан алоқасини аниқлайди ва таъминлайди;
- жараён натижавийлигини аниқлаш учун мезон ва баҳолаш усулларини аниқлайди;
- бир йилда бир марта ўз жараёни фаолияти бўйича ҳисобот тузиб уни сифат бўйича раҳбарият вакилига тақдим этади;
- тузатувчи ва олдини олувчи чораларни ўз вақтида ва тўғри бажарлишини таъминлайди;
- жараён учун керакли ҳужжатларни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқади;
- жараёнда хужжатлар ва ёзувларни бошқариш тўғри амалга оширилишини таъминлайди;
- СМТ ни ишлаш таҳлилига бағишланган йиғилишларда иштирок этади;
- СМТ ни такомиллаштиришда иштрок этади.

***Ресурслар***

Корхона раҳбарияти (стандартлар, қонун, технология меъёрий ва бошқа) ҳужжатларда қуйидаги ресурсларни аниқлаган:

- ишлаб чиқариш бинолари, алоқа воситалари ва машина-жиҳозлар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси;
- махсус билимга эга бўлган малакали мутахасислар.

СМТ барча жараёнлари учун жавобгарлик ва хуқуқлар лавозим йуриқномалари, лаёқат талабномалари, корхона стандартлари ва технология меъёрий хужжатларида акс эттирилган.

Ходимларни керакли малакалилигини таъминлаш, ҳамда маҳсулот сифатини кафолатлаш мақсадида лавозим йуриқномалари ва лаёқат талабномаларида уларнинг лаёқатлилик даражаси аниқланган. Зарур ҳолларда корхона раҳбарияти ходимларни махсус тайёргарлигини амалга оширади ва СМТ бўйича ўқишларни ташкил қилади.

Ушбу талабларни бажарилишини тасдиқлаш мақсадида масъул ходим томонидан ходимларнинг шахсий варақаси юритилади. Мазкур варақада ходимларнинг

маълумоти, малакаси, лаёқат тайёргарлиги ва тажрибасини тасдиқловчи маълумотлар сақланади.

***Иш мазмуни***

Корхона ISO 9001:2008 халқаро стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини ишлаб чиқади, хужжатлаштирди, жорий этди ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ва доимий такомиллаштириш ишларини амалга оширади.

Сифат менежменти тизимини яратишдан мақсад:

- истеъмолчи, шунингдек корхона маҳсулотига қуйилаган меъёрий ва қонуний талабларни қаноатлантириш имкониятига эга бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш;

-истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган талабларини доимий такомиллаштириш тамойилларига асосланган жараёнлар ва самарали тизим орқали қондириш;

- корхона рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ходимлар манфаатдорлигини ошириш;
- барча манфаатдор томонларни ишончини ошириш.

Сифат менежменти тизими штамп, метиз ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли, яъни, истеъмолчилар талабларини аниқлашдан бошлаб уларнинг корхона маҳсулотидан қониқиш даражисини аниқлашгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Сифат менежменти тизими корхона бошқарув тизимининг ажралмас қисми бўлиб унда корхонанинг барча кўламида сифатни таъминлашга қаратилган талаблар қуйилган.

Сифат менежменти тизими корхонанинг ташкилий структураси, жараёнлар, жавобгарлик ва ҳуқуқлар, хужжатлар мажмуаси, иш услублари, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифатини таъминлаш мақсадида зарур бўладиган ресурслар ва бошқалардан иборат.

***Корхонада сифат менежменти тизимини жорий қилишда ISO 9001:2008 халқаро стандартининг талабларига мувофиқ қуйидагилар амалга оширилди:***

- сифат менежменти жараёнлари, уларнинг кетма-кетлиги ва узаро богликлиги аникланди;

- жараёнлар раҳбарлари аниқланди ва улар ўз жараёнлари фаолияти тўғрисида даврий равишда сифат бўйича раҳбарият вакилига ҳисоботлар топширилиши таъминланадиган бўлди.

Жараёнларинг натижавийлигини таъминлаш мақсадида мониторинг ва зарур ҳолларда ўлчаш ишлари амалга оширилади. Агар жараён режалаштирилган натижаларга эришмаса KSt 17395327 - 06:2008 корхона стандартига асосан тузатувчи ва олдини олувчи чоралар кўрилади.

Сифат менежменти тизимининнинг самарали ишлаши корхонанинг ҳар бир ходимига унинг вазифаларини аниқ ишлаб чиқиш ва етказиш, ҳамда ходимларни қуйилган талабларни сифатли ва тўла бажариши орқали таьминланади.

Амалдаги талаблар ўзгараётган шароитларга доимий равишда мувофиқлаш учун таҳлил қилиб борилади.

**2-жадвал**

**Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар**

| **Кўрсаткичларнинг номи** | **2012 й.** | **2013 й.** | **2013 й.да 2012 й.га нисбатан фарқи (+,-)** |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси | 67,5% | 72% | +4,5 |
| 2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши | 100% | 100% | 100 |
| 3. Ав.нинг эскириш коэффициенти | 42,8% | 53% | +10,2 |

Манба: “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ маълумотлари асосида.

2-жадвал қуйидагича ҳисобланган:

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси Ав.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади Ав/Б

2. Ав. фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши Ав. фаол қисмининг умумий Ав. Суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди Авф/ Ав

3. Ав.нинг эскириш коэффициенти Умумий Ав. қийматининг қанча қисми эскириш суммасига тенглигини кўрсатади Ав.эс/Ав.бқ

**3-жадвал**

**АВ билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2012 й. | 2013 й. | 2013 й.да 2012 й.га нисбатан фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|
| 1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси | 44336 | 54476 | +10140 |
| 2.Техник таъминланганлик коэффициенти (Кт.т) | 33218 | 32587 | -631 |
| 3.Натижанинг фондлилик даражаси(Фонд сиғими) | 6451 | 47762 | +41312 |
| 4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги | 130,1 | 157,6 | +27,5 |

Манба: “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ маълумотлари асосида.

1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийма-тини ифодалайди Ав.ф./Ис

2.Техник таъминланганлик коэффициенти (Кт.т) ишлаб чиқариш ускуналари суммасининг энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбати И.ус/Ис

3.Натижанинг фондлилик даражаси(Фонд сиғими) 1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади Ав/Q

4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги 1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағларинниг капиталлашганлик даражасини ифодалайди Ав/Ўм

**4-жадвал**

**Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2012 й. | 2013 й | 2013й.да 2012й.га нисбатан фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|
| 1. Ав. Рентабеллиги (%) | 14,57% | 7,33% | -7,24 |
| 2. Ав. Даромадлилиги | 29,5 | 23 | -6,5 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. Ав. натижавийлиги(фонд қайтими) | 1,55 | 0,2 | -1,35 |

1. Ав. Рентабеллиги    Ав. Ўртача қийматига нисбатанСФ*100 / Авўр,
2. Ав. Даромадлилиги   Ав. ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади   Д*100/Ав
3. Ав. натижавийлиги(фонд қайтими)   1 сўм Ав. ўртача қийматига қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот) тўғри келишини ифодалайди Q/Ав

**5- ж а д в а л**

**Корхонада бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили**

| Кўрсаткичлар | 2012 | 2013 | 2013 йили 2012йилга нисбатан% |
|---|---|---|---|
| 1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, млн сўмда | 2847434 | 2897104 | 101% |
| 2. Товар маҳсулотининг солиштирма улгуржи баҳоси, млн сўмда | 89348 | 15626 | 17,5% |
| 3. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар, тийин ҳисобида | 0,45 | 0,37 | 82% |

Манба: “MET-FUR-SERVIS” МЧЖ маълумотлари асосида

**6-жадвал**

**Корхонада харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили**

| Харажат гуруҳлари | 2012 йили | | 2013 йили | |
|---|---|---|---|---|
| | Сумма, минг сўм | Жамига нисбатан салмоғи, % | Сумма, минг сўм | Жамига нисабатан салмоғи, % |
| сотилган тайёр махсулот, товар ва хизматларнинг таннархи | 2847434 | 74,6% | 2897104 | 70,2% |
| маъмурий харажатлар | 712708 | 18,7% | 958104 | 23,3% |
| молиявий харажатлар | 255 | 0,006% | 11611 | 0,2% |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Хорижий валюталар буйича операцияларнинг курс фаркларидан | | | | |
| фойда солиги буйича харажатлар | 232762 | 6,1% | 231388 | 5,6% |
| фойда солиги буйича бошка харажатлар | 22335 | 0,6% | 25553 | 0,7% |
| Жами харажатлар: | 3815494 | 100% | 4123760 | 100% |

Манба: "MET-FUR-SERVIS" МЧЖ маълумотлари асосида

**7- ж а д в а л**

**Корхонанинг бухгалтерия балансини актив моддаларининг таҳлили**

| Мол-мулкнинг таркиби | 2012 йилга | | 2013 йилга | | Ўзгариши (+,—) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сумма минг сўм | Салмоғи, % | Сумма, минг сўм | Салмоғи, % | Сумма, минг сўм | Салмоғи, % | 2012 йилга нисбатан ўсиши.% |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6=4-2 | 7=5-3 | 8=6/2 100 |
| 1. Узоқ муддатли активлар | 4548886 | 76,1 | 4877948 | 72 | 329062 | -4,1 | 7,2 |
| 2. Жорий активлар Шу жумладан: | 1424792,4 | 23,9 | 1902404 | 28 | 477612 | 4,1 | 33,5 |
| А) Товар-моддий захиралари | 1007962 | 70,7 | 1301430 | 68,4 | 293468 | -2,3 | 29,1 |
| Б) Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар | 10867,1 | 0,76 | 38707 | 2,03 | 278399 | 1,27 | 25,6 |
| В) Дебиторлар | 219088 | 15,4 | 397114 | 20,9 | 178026 | 5,5 | 81,2 |
| Баланс активининг ЖАМИ | 5973678,4 | 100 | 6780352 | 100 | 8066736 | | |

Манба: "MET-FUR-SERVIS" МЧЖ маълумотлари асосида

**8- ж а д в а л**

**Корхона бухгалтерия балансини пассив моддаларининг таҳлили**

| Мол-мулкнинг таркиби | 2012йилга | | 2013 йилга | | Ўзгариши (+,—) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сумма, минг сўм | Салмоги, % | Сумма, минг сўм | Салмоғи, % | Сумма, минг сўм | Салмоғи, % | 2012 йилга нисбатан ўсиши,% |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6=4-2 | 7=5-3 | 8=6/2 100 |
| 1. Ўз маблағларининг манбалари | 4429950 | 74,2 | 4736940 | 69,8 | 306990 | -4,4 | 7 |
| 2. Мажбуриятлар Шу жумла | 1543728 | 25,8 | 2043412 | 30,2 | 499684 | 4,4 | 32,4 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| дан: | | | | | | | |
| а) узоқ муддатли мажбуриятлар | 1030001 | 66,7 | 1242159 | 60,8 | 212158 | -5,9 | 20,6 |
| б) жорий мажбурият лар | 513727 | 33,3 | 801253 | 39,2 | 287526 | 5,9 | 56 |
| Баланс пассивининг ЖАМИ: | 5973678 | 100 | 6780352 | 100 | 806674 | | |

Манба: "MET-FUR-SERVIS" МЧЖ маълумотлари асосида

**9- ж а д в а л**

**Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

| Кўрсаткичлар | 2011 й | 2012 й | 2013 й | 2013й.да 2011й.га нисбатан фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|---|
| 1. Маҳсулот хажми, млн сўм | 352 276,5 | 588 277,5 | 825 131,8 | 472 855,3 |
| 2. Ялпи даромад, млн сўм | 149 681,3 | 307 324,7 | 502 171,4 | 352 490,1 |
| 3. Соф фойда, млн сўм | 50 701,5 | 137 767,4 | 225 935,4 | 175 233,9 |
| 4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши | 2 710 | 2 794 | 3 445 | 735,0 |
| 5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, млн сўм (1қ:4қ) | 129,99 | 210,55 | 239,52 | 109,5 |
| 6. Мс. Даромадлилиги, млн сўм(2қ:4қ) | 55,23 | 109,99 | 145,77 | 90,5 |
| 1. Мс. Фойдалилиги, млн сўм (3қ:4қ) | 18,71 | 49,31 | 65,58 | 46,9 |

## КЕЙСОЛОГНИНГ ХУСУСИЙ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Биз корхонада сифатли махсулот ишлаб чиқариш борасидаги муаммони ечиш мақсадида аввал корхона сифат менежментини йўлга қўйдик. Сўнгра эса корхона 2012-1013 йилги ҳисоботларидан фойдаланган ҳолда корхона хўжалик фаолиятини, Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар АВ билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар, Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, корхонада бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатлар таҳлили, корхонада харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили, корхонанинг бухгалтерия балансини актив моддаларининг таҳлили, корхона бухгалтерия балансини пассив моддаларининг

таҳлили, меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини таҳлил қилдик.

Бунинг натижасида биз мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмаётганлигини кузатдик. Агарда корхона салоҳиятидан тўлақонли фойдаланилса, корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат менежменти халқаро стандартларга мос ҳолатда таъминланса мавжуд муаммо ҳал этилади ҳамда корхона ўз олдига қўйган мақсадга эришади.

## Тестлар

**1. Стандартлаштириш...**

*A) мавжуд ёки потенциал масалаларга нисбатан умумий ва кўп маротаба фойдаланиладиган ҳолатларни ўрнатишга, уларни оптимал даражада тартибга солишга эришишга қаратилган фаолият

B) маҳсулот параметрларини ўрнатилган меъёрий материалларга жавоб беришини тасдиқловчи хужжат

C) миллий хамдўстлик мамлакатларининг давлатлараро стандартлари

D) давлатни бошқариш органлари томонидан тасдиқланган тармоқ стандартлари, техникавий шартлар

**2. Замонавий стандартлаштиришнинг назарий асоси.....**

*A) устувор рақамлар системаси

B) минимал материаллар сарфи сиғими

C) параметрларни қўллашга йўл қўядиган сонларни минимумга келтирадиган чекланган тармоқ стандартларини яратиш

D) стандартларни ишлаб чиқишнинг илмий-тадқиқот принципи

**3. Тадқиқот ва лойихалаштириш босқичда стандартлаштириш ёрдамида қуйидаги вазифалар бажарилади.**

A) маҳсулотри нимага мўлжалланган ва эксплуатация қилиш шартларига боғлиқ холда махсулот сифатнинг ягона кўрсаткичлар системаси аниқланади

*B) маҳсулотни ишлаб чиқиш жараёнини такомиллаштириш асосида янги юқори сифатли маҳсулот турларини яратиш ва ўзлаштиришни тезлатади

C) янги тур маҳсулотларига ўз вақтида юқори сифатли лойиҳа конструкторлик хужжатлаштириш амалга оширилади

D) маҳсулотни ўраш, ташиш, сақлаш ва сотишнинг тартиби, энг яхши шароитларининг тартиби ўрнатилади

**4. Стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда...**

*A) лойиҳа ишлари хажмининг, меҳнат сарфини, лойихалаштириш баҳоси ва муддатларини ҳисоблашнинг стандарт усулларидан фойдаланиш ҳисобига қисқартириш эътиборга олинади

B) лойиҳа-конструкторлик ишларини ташкил этишни яхшилаш эътиборга олинади

C) стандарт техникавий хужжутларнинг кўп маротаба ишлатилиши эътиборга олинади

D) нусха кўчириш ишлари хажмининг қисқаришни эътиборга олинади

**5. Комплекс стандартлаштириш**...

A) бу ўзаро боғланган объектларни шартларнинг кўрсаткич ва меъёрларига жавоб берадиган қилиб, шунингдек тегишли стандартларни жорий этиш вақти билан боғланган холда стандартлашдир

*B) бу – тугалланган маҳсулотнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан қўйилган шартларни ўзаро боғловчи стандартлашдир

C) бу – асбоб ускуналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан қўйилган шартларни ўзаро боғловчи стандартлашдир
D) ўлчов маълумотларининг юқори даражада аниқ бўлишини таъминлашдир
**6. Лицензия:**
*A) давлат органлари томонидан маълум хўжалик фаолиятини олиб бориш учун рухсат.
B) ишлаб чиқарилган маҳсулотни бошқа маҳсулотлардан фарқлаш мақсадида унга берилган символ, ном, белги, термин, расм
C) товар биржаларида баҳонинг қайд этилиши
D) мавжуд вазифаларга нисбатан умумий фойдаланиш учун маълум сохада оптимал даражада тартибга келтиришга қаратилган фаолият
**7. Протекционизм.**
*A) чет эллик ишлаб чиқарувчиларни ички бозорга кириб келишига тўсқинлик қилиш
B) чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг ички бозорга кириб келишига йўл очиб бериш
C) чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини экспорт келишларини қийинлаштирадиган ёки умуман имкон бермайдиган стандартлар ва маҳсулот тавсифларини қўллаш
D) импорт қилинаётган товарларни қайта назоратдан ўтгазишнинг маъмурий тадбирлар кўриниши
**8. Товар белгиси**...
A) номи, термин, марка
*B) ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган белги бўлиб, товарни бошқа товарлардан фарқ қилиш учун, ишлаб чиқарувчининг номи ҳам кўрсатилади
C) символ, расм, уларнинг бирликмаси бўлиб, товарни бошқа товарлардан фарқлаш учун қўлланади
D) товарнинг юқори сифатли эканлиги тўғрисида гувохнома
**9. Истеъмол ва эксплуатация босқичида стандартлаштириш қуйидагиларни ўрнатади...**
A) сифатнинг зарурий кўрсаткичлари тузумини ўрнатади
*B) маҳсулотни эксплуатация қилишидаги сифати маълумотларини тўплаш ва тахлил қилишга, маҳсулотни хизмат кўрсатиши ва таъмирлашга бўлган ягона шартларни ўрнатади
C) маҳсулотни ўраш, ташиш, сақлаш ва сотишда сифатини сақлаш тартибини шартларини ўрнатади
D) маҳсулотни эксплуатация қилиш ва истеъмол жараёнида сифатни оширишни режалаштириш тартиби ва услублари
**10. Ишлаб чиқариш босқичида иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш учун...**
A) маҳсулотни ташиш ва сақлаш харажатларини қисқартириш аниқланади
B) маҳсулотнинг сифатини ва техникавий даражасини ошириш аниқланади
*C) материаллар сиғими, меҳнат сиқимини камайтириш, электр энаргияси, ёқилғига кетган харажатлар салмоғи аниқланади
D) маҳсулотнинг хизмат кўрсатиш муддатининг ортиши аниқланади

## 4-Мавзу. Реал сектор корхоналарида маҳсулотларини халқаро стандартлаштириш

**1-Вазиятли масала.**

Корхона томонидан ISO-9001 халқаро стандарти 2015 йилда олинган эди. Бироқ вақт ўтиши билан корхона раҳбарининг бошқарув ишига ва ходимларни бошқарувига бўлган муносабати кескин пасайди ва бунинг натижасида корхонанинг рақобатчилар ва ҳамкорлари олдидаги объруига кескин таъсир эта бошлади. Корхона банкротликка юз тутди. Корхона раҳбари қандай хатоларга йўл қўйди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).
- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш).

**2-Вазиятли масала.**

Корхона томонидан тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ISO-22000 халқаро стандарти 2014 йилда олинган эди. Бироқ корхона стандартлаштириш жараёнига бўлган эътиборни пасайтирди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни норматив хужжатларсиз истеъмолчига тақдим этди. Корхона маҳсулотидан истеъмолчилар зарар кўра бошлади. Маълум бир даврдан кейин истеъмолчилар томонидан турли низолар пайдо бўлди, корхона норматив хужжатларсиз ишлаб чиқарган маҳсулоти инсонлар ҳаётига жиддий таъсир қилди. Корхона ишлаб чиқариши давридаги маҳсулот қолиб кетди ва сотилмади ва корхона кутилган натижани бермади. Корхона раҳбари қандай хатоларга йўл қўйди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).
- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш).

## Тестлар

**1. Стандартлаштиришни мажбурий принциплар деганда нималарни тушунасиз?**

A) системалилик
B) коплекслик ва оптимал чегараланиш
C) прогрессивлик
*D) юкоридагиларнинг хаммаси тўғри

**2. Стандартларни оптималлаштириш ва прогрессивлик принципининг моҳияти нима.**

*A) стандартлар томонидан ўрнатилган кўрсаткичларнинг фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига жавоб беришида

B) меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш жараёнига системали ёндашувда
C) стандартларни ишлаб чиқишда унинг якуний объектига таъсир этувчи асосий элементларни эътиборга олишда
D) маҳсулотларни эксплуатация қилиш кўрсаткичлари бўйича бир-бирининг ўрни боса олишида

**3. ИСО 9000 сериясидаги стандартларда комплексига нималар киради.**
A) ИСО 9000 «Сифатни умумий бошқариш ва сифатни таъминлашда стандарт танлаш ва қўллаш бўйича бошқарув кўрсатмалари»
B) ИСО 9001 «Сифат системаси. Лойихалаш ишлаб чиқариш монтаж ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлаш модели»
C) ИСО 9002 стандарти
*D) ИСО 9001, ИСО 9002, ИСО 9003, ИСО 9004 стандартлари

**4. Стандартларнинг илмий тадқиқот принципи ўз ичига нималарни олади...**
A) стандартлар лойихаларини тайёрлашни
B) амалий тажрибаларни кенг умумлаштиришни
C) стандартлаштириш сохасида қўлланиладиган тушунчаларни ўзаро боғлиқлигини
*D) махсус назарий, амалий ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш зарурлигини

**5. Стандартларнинг комплекслик принципи ўз ичига нималарни олади.**
A) стандартлар лойихаларини тайёрлашни
B) амалий тажрибаларни кенг умумлаштиришни
C) стандартлаштириш сохасида қўлланиладиган тушунчаларни ўзаро боғлиқлигини
*D) стандартлаштириш якуний объектига таъсир этувчи барча элементларни эътиборга олишни

**6. Стандартларнинг оптималлаштириш ва прогрессивлик принципи ўз ичига нималарни олади.**
*A) стандартлар томонидан ўрнатилган кўрсаткичларнинг  Фан, техника ва ишлаб чиқаришни жаҳон даражасига жавоб беришини
B) маҳсулотлар эксплутация қилиш кўрсаткичлари бўйича бир-биринигг ўрнини босишини таъминлашни
C) стандартлаштириш сохасида қўлланиладиган тушунчаларни ўзаро боғлиқлигини
D) маҳсулотлар номенклатурасини қисқартириш ва унификациялашни

**7. Стандартларнинг системалилик  принципи ўз ичига нималарни олади.**
*A) меҳнат, меҳнат воситалари хамда меҳнат предметларини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан системали ёндашувни
B) техник тараққиётга нисбатан системали ёндашувни
C) стандартлаштириш сохасида қўлланиладиган тушунчаларни ўзаро боғлиқлигини
D) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига нисбатан системали ёндашув

**8. Стандартлаштирилаётган маҳсулотнинг боғлиқлигини таъминлаш принципи нимани англатади.**
*A) маҳсулотларни эксплуатация кўрсаткичлари бўйича бир-бирини ўрнини босишни таъминлашни
B) меҳнат, меҳнат воситалари хамда меҳнат предметларини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан системали ёндашувни
C) комплекс стандартлаштиришни
D) стандартлаштириш якуний объектига таъсир этувчи барча элементларни эътиборга олишни

**9. Стандартларнинг устиворлик принципи нима мақсадда қўланилади.**

A) меҳнат, меҳнат воситалари хамда меҳнат предметларини бирлаштирувчи ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан системали ёндашувда

*B) маҳсулотлар номенклатурасини қисқартириш, ўзаро ўрнини босиш даражасини ошириш ва стандартларни унифекациялашда

C) стандартлаштириш объектларининг техника тараққиёти шартларига жавоб берадиган даражада б ўлишини таъминлашда

D) стандартлаштириш якуний объектига таъсир этувчи барча элементларни эътиборга олишда

**10. Стандартларнинг минимал моддий ҳаражатлари улуши принципи нимани англатади...**

*A) хом ашё сарфи улушини қисқартириш имкон берадиган илғор технологияни тадбиқ этиш маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашни моддий харажатлар улушини қисқартиришини

B) маҳсулотлар номенклатурасини қисқартириш, ўзаро ўрнини босиш даражасини ошириш ва стандартларни унифекациялашни

C) энг мақбул бичиш карталарини қўллашнинг моддий харажатлар улушини қисқартиришини

D) маҳсулотнинг чидамлилик кўрсаткичларини яхшилашнинг моддий ҳаражатлар улушини қисқартиришини

## 6-Мавзу. Метрологиянинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

**1-Вазиятли масала.**

Корхона томонидан метрология талабларига мувофиқ ишни ташкил этиши керак эди. 2015-2016 давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кўп хатоликларга йўл қуйилди ва бунинг натижасида корхона харажатлари ортиб кетди. Маҳсулот таннархи ошишига сабаб бўлиб, маҳсулотни бозорда харидорига эга бўлмади. Корхона раҳбари ва ходимлари қандай хатоликларга йўл қуйишди. Корхона банкротликка юз тутди.

**Масалани бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Корхона яхши натижалар кўрсатиш учун бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг(индивидуал).
- Корхона раҳбари томонидан ўтказиладиган чора-тадбирлар ва вазифаларни тўғри ташкил этиш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги ишлаш).

### Тестлар

**1. Саноат корхоналарида маҳсулот сифатини метрологик таъминлаш...**

A) сифат жараёнида ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказишга тегишли маҳсулотнинг тавсифларини танлаш

B) сифат жараёнида ўлчаш маълумотларини олишни ва фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий-техникавий жараёнлар комплекси

*C) сифат жараёнида ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказиш, ишлаб чиқиш ва ўлчаш услубиятларини метрологик аттестациядан ўтказиш жараёнларини режалаштириш

D) сифат жараёнида тегишли ўлчаш воситалари билан ўлчаш, тажриба ва назорат ўтказиш жараёнларини таъминлаш

**2. Корхонада бевосита маҳсулот сифатини бошқариш қуйидагига боғлиқ бўлади...**

*А) корхона маҳсулотини лойихалаш, тайёрлаш ва эксплуатация қилиш жараёнларида зарурий сифат даражасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган жараёнлар йиғиндиси

В) корхонада тадқиқот ва лойихалаш босқичларида мамлакатимиздаги ва чет эллардаги эришилган илғор натижаларни тахлил қилиш асосида амалга оширилади

С) корхонада муомала, истеъмол ва эксплуатация босқичларида амалга оширилади

D) корхонада ишлаб чиқариш босқичда амалга оширилади

**3. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳаёт циклининг босқичлари қуйидагилардан иборат бўлади...**

А) тадқиқот ва лойихалаш

В) тайёрлаш

С) муомала ва сотиш

*D) лойихалаш, тайёрлаш, муомала ва истеъмол

**4. Саноат корхоналарининг маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омиллари...**

А) иқтисодий ва ижтимоий

В) техникавий ва ташкилий

*С) техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий

D) ташкилий ва иқтисодий

**5. Саноат корхоналарида сифатнинг техникавий омилларга қуйидагилар киради:**

*А) технологик дастгохларнинг, инструментлар ва назорат воситаларнинг холати; хом ашё ва материаллар сифати, техникавий хужжатлаштиришнинг холати ва сифати

В) ишнинг бир маромда, режали олиб борилиши

С) дастгохларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш

D) керакли материаллар, инструментлар, техникавий назорат ва хужжатлаштириш воситалари билан таъминланганлик

**6. Саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимида бошқарув таъсири қуйидаги масалаларни ечиши мумкин:**

А) сифатни бошқариш дастурини тузиш ва уни оширишни режалаштириш

В) маҳсулот сифатига таъсир кўрсатадиган хар қандай бошқариладиган хар қандай бошқариладиган жараённинг холати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва тахлил килиш

С) сифатли бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш

*D) берилган бошқарув дастури асосида бошқариладиган жараённинг холатини сақлаш, унга тегишли ўзгаришлар киритиш

**7. Саноат корхоналарида маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қўйишни ташкил қилиш...**

*А) юқори техникавий даража ва сифатига эга бўлган маҳсулотнинг тажриба намуналари ва конструкторлик хужжатлаштириш яратишга қаратилган

В) корхонанинг маҳсулот тажриба намуналарини ёки ишлаб чиқариш партияларини таъминлашга қаратилган

С) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ҳамда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ўз вақтида назорат қилишни таъминлашга қаратилган

D) иш ўринлари, бригада, цех ва корхонани ўз вақтида хом ашё, материаллар, технологик дастгохлар билан таъминлаш тушунилади

**8. Саноат корхоналарида маҳсулотнинг режалаштирилган сифатининг мутаъдиллигини таъминлашнимага боғлиқ...**

A) ишлаб чиқаришнинг бир маромда бўлишига қаратилган

B) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материалларни назорат қилишга қаратилган

C) иш ўринларида ишчи хужжатлаштиришнинг сифатига қаратилган

*D) олий категорияли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган

**9. Саноат корхоналарида маҳсулот сифатини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари...**

A) қонуний тарзда ишлаб чиқилган меъёрий-техникавий хужжатларнинг қонуни шартларига жавоб беришини текшириш

B) буюртмалар ва шартномаларни расмийлаштиришни қонуний тартибида ўрнатиш

*C) маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасининг барча элементларининг қонунларга тўлиқ асосланган ҳолда амалга ошириш

D) яроқсиз маҳсулотлар жўнатганлигига норозиликни билдириш учун материалларни хужжатлаштириш ва хуқуқни химоя қилиш ташкилотларига жўнатишни қонуний тартибда расмийлаштиришни ўрнатиш

**10. Саноат корхоналарида сифатни яхшилашни техник-иқтисодий таҳлил қилиш нимага сабаб бўлади...**

A) ишлаб чиқаришга қўйилаётган маҳсулотнинг сифатини ва техникавий даражасини аниқлаш

B) маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрнатиш

C) маҳсулот сифати кўрсаткичларининг динамикасини аниқлаш

*D) корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмаларининг натижаларини аниқлаш ва сифатни яхшилаш бўйича олиб борилган ишларни баҳолаш

## 7-Мавзу. Реал секторда маҳсулотни сертификатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

### Тестлар

**1. Маҳсулот сифатининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.**

A) хом ашё ва материаллар сифати

B) лойихалаштириш, хом ашё, техника, технология, ишчи кучи меҳнатининг сифати

C) техника, технология сифати

*D) маҳсулот ишлаб чиқариш сифати, ўраш, ташиш, сақлаш, сотиш сифати

**2. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар.**

A) маҳсулот баҳосини пасайтириш

B) маҳсулот таннархини пасайтириш

C) хом ашё ва материалларга кетган харажатларни қисқартириш

*D) маҳсулот баҳоси билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар

**3. Истеъмол ва эксплуатация босқичида стандартлаштириш қуйидагиларни ўрнатади...**

A) сифатнинг зарурий ва эторлит кўрсаткичлари тузумини ўрнатади

*B) маҳсулотни эксплуатация қилишидпги сифати маълумотларини тўплаш ва тахлил қилишга, маҳсулотни хизмат кўрсатишива таъмирлашга бўлган ягона шартларни ўрнатади
C) маҳсулотни ўраш, ташқи, сақлаш ва сотишда сифатини сақлаш тартиби шартларини ўрнатади
D) маҳсулотни эксплуатация қилиш ва истеъмол жараёнида сифатни ошириш-ни режалаштириш тартиби ва услублари

**4. Маҳсулот сифатини режалаштириш...**

A) маҳсулотни давлат аттестациясига тайёрлашни кўзда тутади
*B) белгиланган вақтда ва белгиланган вакт оралиғида талаб қилинган сифат маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича асосланган топшириқларни ўрнатиш тушунилади
C) аттестация натижаларини тахлил қилиш, шунингдек маҳсулот сифати кўрсатгичларини яхшилашни таъминлайдиган ишларни амалга ошириш тушунилади
D) маҳсулотни давлат аттестациясидан ўтказиш

**5. Сифатни бошқариш системасида бошқарув таъсири қуйидаги масалаларни ечиши мумкин:**

A) сифатни бошқариш дастурини тузиш ва уни оширишни режалаштириш
B) маҳсулот сифатига таъсир кўрсатадиган ҳар қандай бошқариладиган ҳар қандай бошқариладиган жараённинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва тахлил қилиш
C) сифатли бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш
*D) берилган бошқарув дастури асосида бошқариладиган жараённинг холатини сақлаш, унга тегишли ўзгаришлар киритиш

**6. Маҳсулот ҳаёт циклининг босқичлари...**

A) тадқиқот ва лойиҳалаш
B) тайёрлаш
C) муомала ва сотиш
*D) лойихалаш, тайёрлаш, муомала ва истеъмол

**7. Корхонанинг ўз мақсадига эришиш қобилияти қандай тартибда аниқланади?**

A) чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан бошланади
B) чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини бошқаришдан бошланади
C) ташкил этиш тартибини аниқлашдан бошланади
*D) юқоридагиларнинг хаммаси тўғри

**8. Сифатни бошқариш тартиби деганда нимани тушунасиз?**

*A) фирмада амал қилинаётган фойдали бошқариш усулларини
B) инсонлар ва машиналарнинг ўзаро муносабатини энг қулай усулларини танлашни
C) Сифат учун килинган харажатларни тежаш
D) сифатни бошқариш тартибидан бошланади

**9. Хозирги вақтда сифатни бошқариш тартибининг нечта даражасини ажратиш мумкин.**

A) 2 та
*B) 3 та
C) 5 та
D) 1 та

**10. Сифат кўрсаткичини аниқлашнинг ўлчаш усули...**

*A) техникавий ўлчов асбоблари асосида товарнинг сифат кўрсаткичлари микдорини аниқлаш

B) маълум ходисаларни кузатиш ва хисоблаб кўриш орқали сифат кўрсаткичлари миқдорини аниқлаш
C) маҳсулот сифати ва унинг параметлари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи назарий боғланишлардан фойдаланиб, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари миқдорини аниқлаш
D) экспертлар қабул қилган қарорлар асосида маҳсулот сифати кўрсаткичлар-нинг қийматини аниқлаш

## 8-Мавзу. Реал секторда сифат тизими ва ишлаб чиқаришни сертификатлашни ташкил этиш

### Тестлар

**1. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш тартибини белгилашда корхоналар олдига қандай мақсадлар қўйилган бўлиши керак:**
A) маҳсулот сифатининг бозор талаби ва аниқ харидор талабига мувофиқ келиши;
B) маҳсулотнинг сотиб олиш, етказиб бериш ва фойдаланиш харажатлари йиғиндисини камайтириш;
C) Харидор истаган муддатга етказишни амалга ошириш;
*D) барча жавоблар тўғри
**2. Маҳсулотнинг режалаштирилган сифатининг мўтаъдиллигини таъминлаш...**
A) ишлаб чиқаришнинг бир маромда бўлишига қаратилган
B) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материалларни назорат қилишга қаратилган
C) иш ўринларида ишчи хужжатлаштиришнинг сифатига қаратилган
*D) яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини, рекламацияларни тахлил қилиш ва уларни йўқотиш чора тадбирларини белгилашга қаратилган
**3. Сифатни назорат қилишнинг статистик услубининг мақсади...**
A) алтернатив белгилар бўйича статистик қабул қилиш назорати
*B) сифатнинг ўзгарувчи тавсифлари бўйича танланма қабул қилиш назорати
C) статистик қабул қилиш назоратининг стандартлари
D) технологик жараёнлари бошқаришнинг статистик методлари
**4. Маҳсулот сифатнинг эстетик кўрсаткичига нималар киради...**
A) гигиеник, технологик кўрсаткичлар
B) мода йўналишига жавоб бериш
C) узоққа чидамлилик, яроклилик, универсаллик, антропометрик
*D) ажралиб турувчанлик, ишлаб чиқаришнинг мукаммал бўлиши, композициянинг тўлиқлиги
**5. Маҳсулот сифати кўрсаткичи...**
*A) маҳсулотнинг бир ёки бир неча хосса хусусиятининг миқдорий тавсифи
B) маҳсулотнинг барча хусусиятларининг миқдорий тавсифи
C) маҳсулотнинг бир неча хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич
D) маҳсулот сифати индекси ва дефектлилик коэффициенти
**6. Сифат системасининг асосий вазифалари...**
A) сифатни таъминлаш
B) сифатни таъминлаш ва сифатни бошқариш
C) сифатни яхшилаш
*D) B ва C
**7. Ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулот қиймати - бу?**
*A) маҳсулотнинг энг юқори нархи;
B) маҳсулот сотувчи корхонанинг йўқлиги;
C) маҳсулотнинг юқори сифати;

D) маҳсулот сифатининг пастлиги
**8. Истеъмолчилар учун маҳсулотнинг қиймати – бу?**
A) маҳсулот сифатини ҳисобга олмаган ҳолда нархнинг пастлиги;
*B) маҳсулот қийматини ҳисобга олмаган ҳолда юқори сифат;
C) маҳсулот сифати ва нархнинг мутаносиблиги.
D) маҳсулотнинг юқори сифати.
**9. Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш нимани ўз ичига олади:**
*A) сифат менежментини ўз ичига олиши;
B) сифат менежментини ўзи;
C) менежментнинг бир бўлаги.
D) бошқаришнинг бир бўлаги.
**10. Корхонада сифатни режалаштириш –**
*A) маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш учун ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини аниқлаш;
B) янги маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;
C) нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш.
D) бизнес режа асосида ишлаб чиқариш.

## 9-Мавзу. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши
## Тестлар

**1. Сифат юлдузчасига кирмайди?**
A) мотивация тизими;
B) таъминотчилар билан ўзаро алоқалар;
C) инвесторлар билан ўзаро алоқалар.
*D) шартнома шартлари.
**2. Сифатнинг умумий бошқаруви методологияси (TQM) – бу?**
A) махсулот сифатини таъминлаш тизими;
B) корхона махсулотини экспертиза қилиш;
C) корхонанинг барча бошқарув усуллари, сифатни бошқаришга қаратилган.
D) умумий сифатни бошқариш тизими.
**3. TQM да корхона рахбариятининг ўрни:**
A) корхона раҳбарларининг асосий эътибори бошқарув менежментига қаратилиши;
B) TQM нинг самарадорлиги биринчи навбатда корхона раҳбариятига қаратилган;
*C) TQM нинг самарадорлиги корхонада “Сифат менежменти” ни қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ.
D) бошқаршни ривожлантиришга.
**4. “Сифат менежменти” да иштирок этадилар:**
A) корхонанинг барча бўғинлари ва хизматчилари;
B) фақат сифат менежменти хизматчилари;
*C) корхона рахбарияти ва “Сифат менежменти” хизматчилари.
D) корхонанинг барча хизматчилари.
**5. “Сифат менежменти” боғлиқ:**
A) корхонанинг фақат ишлаб чиқариш бўлинмалари билан;
*B) корхонанинг барча бошқарув тизими билан;
C) ташқи таъминот бўлимлари билан;
D) ички таъминот бўлимлари билан.
**6. “Сифат менежменти” вазифасига нима кирмайди?**
A) сифатни назорат қилишнинг тўла таъминланиши;

*B) қабул қилишда назорат ўрнатиш;
C) сифат сохасида ходимларни малакасини ошириш.
D) ички назоратни таъминлаш.

**7. TQM талабларини жорий этишда қуйида кўрсатилганларнинг қайси бири нотўғри:**

*A)  барча ходимларни малакасини оширишга жалб қилиш;
B) таъминотчиларнинг фаолияти ва маҳсулот сифатини кузатиш;
C) компания ходимларини янгилаш.
D) компания фаолиятини ривожлантириш.

**8. Сифат учун харажатлар – ?**

A) истеъмолчилар талабларини қондиришга қаратилган харажатлар;
B) маҳсулот нуқсонларини тўғрилашга қаратилган харажатлар;
*C) сифатни бошқариш борасида ташкил қилинадиган тизим харажатлари.
D) сотув ҳаражатлари.

**9. Нуқсонларга қаратилган харажатлар –?**

*A) нуқсонли товарларни сотилганлги учун кафолат тўловлари;
B) нуқсонларни йўқотиш учун харажатлар;
C) биринчи маротаба йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун.
D) ишлаб чиқариш жараёнидаги камчиликларни камайтиришга қилинган ҳаражатлар.

**10. Истеъмолчи талабларининг рейтинги – бу?**

A) ишлаб чиқарувчи нуқтаий назаридан истеъмолчиларнинг талаблари рўйхати;
B) истеъмолчилар нуқтаий назаридан истеъмол талабларини муҳимлигига қараб тартибга солиш;
*C) истеъмол товарларини муҳимлигига қараб аниқланган статистик маълумот.
D) истеъмол ҳолатидан келиб чиқади.

## 11-Мавзу. Реал сектор корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришида умумий ўлчов тизимини таъминлаш асосида сифатни ошириш

### Тестлар

**1. "Сифат - маҳсулот ёки хизматларнинг барча хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, улар ўз вазифаларини бажара олишларини кафолатлайди" ушбу таъриф қайси тадқиқотчиларга тегишли.**

A) Англия тадқиқотчилари;
*B) Немис тадқиқотчилари;
C) Россия тадқиқотчилари;
D) AҚШ тадқиқотчилари.

**2. Сифат ҳалқаси   нечига бўлинади?**

*A) 13 та;
B) 12 та;
C) 11 та;
D) 8 та.

**3. Маҳсулот сифатини ошиши унинг хажмини ошишига олиб келади, шунингдек, ________учун нисбатан кам маблағ талаб қилинади.**

A) маҳсулот сифатини пасайиши;
*B) маҳсулот сифатини ошиши;
C) маҳсулот сифатини яхшиланиши;
D) ишлаб чиқаришни яхшилаш.

**4. Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқариш босқичида амалга оширилади?**
*A) 2;
B) 3;
C) 7;
D) 4.
**5. _______ қанчалик аниқ, асосли ўтказилса, дефект маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига йўқотишлар шунчалик қисқаради, назорат сарф-харажатлари ортади.**
A) Монографик кузатув;
B) Тадқиқот;
C) Таҳлил;
*D) Назорат.
**6. Тадқиқ қилиш ва лойиҳалаш маҳсулот сифатининг қайси жараёнига тегишли?**
A) Маҳсулот ҳаётий циклининг босқичлари;
B) Маҳсулот тадқиқот босқичларига;
C) Таҳлил босқичларига;
*D) Назорат босқичларига.
**7. Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "_______" нимаси мавжуд.**
* A) сифат сиртмоғи;
B) сифат ҳалқаси;
C) сифат кўрсаткичлари;
D) сифат назорати.
**8. Маҳсулот сифатини таъминлаш ишлаб чиқаришнинг неча босқичида амалга оширилади?**
A) 8;
*B) 9;
C) 12;
D) 7.
**9. Махсулот сифати шартланган ёки тахмин килинган эхтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хусусият ва тавсифлари мажмуи нимани англатади?**
*A) маҳсулот кўрсаткичларини;
B) маҳсулот хусусиятларини;
C) маҳсулот белгисини;
D) маҳсулот брендини.
**10. Бренд нима?**
A) товар хусусияти;
B) товар ассортименти;
*C) товар белгиси;
D) товар сифатини.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ОЛИНГАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР


1. ISO Central Secretariat, International Organization for Standardization. Web www.iso.org

2. Management of SpecialCustoms Control AreasSHAO Xiaoping, Director, YangshanCustoms.

3. “Why Managing by Facts Works,” Strategy + BusinessSpring 2006). Jeffrey Pfefr, and Robert Sutton

5. Marketing Metrics Handbook, Roger Best, www.marketingmetricshandbook.com

7. Marketing Performance Tools, Roger Best www.rogerjbest.com

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

# “Реал секторда сифатни бошқариш”

## фанидан

# ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАРИ

**САМАРҚАНД 2017**

Маҳсулот сифатига илмий тадқиқотлар, конструкторлик технологик ишланмаларда асос солинади, фойдаланишда эса улар рўёбга чиқади.

Маҳсулот сифатини жорий қилиш, таъминлаш ва сақлаб туришнинг асосий босқичларини тавсифловчи "сифат сиртмоғи" мавжуд.

24

Бу босқичларга:

- маҳсулотга бўлган талаблар, маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш (маркетинг тадқиқотлари);
- илмий-техникавий тараққиёт ютуқларини ҳисобга олий сифат даражаси шакллантириш, меъёрий-техникавий ҳужжатларни тайёрлаш;
- ишлаб чиқарувчи корхона имкониятларини таҳлил қилиш;
- сифатли хом ашё, материал, жамловчи буюмлар билан моддий-техникавий таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни техникавий тайёрлаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, жиҳоз, ускуна ва асбоблар билан таъминлаш;

25

- тегишли меъёрий-техникавий ҳужжатлар ва стандартларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- техникавий назорат ва синаш, тайёрлаш сифатни баҳолаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш, маҳсулотни сақлаш, транспортлаш ва сотиш жараёнларида унинг сифатини сақлаб қолиш;
- тайёр маҳсулотни монтаж қилиш ва ундан фойдаланиш, хизмат қилиш ва таъмирлаш, сифатини таъминлаш, истеъмолчи маҳсулот сифати билан қониққанлиги даражасинини баҳолаш.

26

## 2-Мавзу: Реал секторда маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги

***Режа:***

1. ***Маҳсулот сифати кўрсаткичлари.***
2. ***Сифатнинг шахсий, комплекс, гурух, умумий интеграл кўрсаткичлари.***
3. ***Сифат соҳасидаги сиёсат.***
4. ***Товар ва хизматлар рақобатбардошлиги.***

32

## Маҳсулот сифати кўрсаткичлари

Махсулот сифати шартланган ёки тахмин килинган эхтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хусусият ва тавсифлари мажмуи.

33


Маҳсулот
сифатинин
белгиланиш
Махсулотлар сифатини мухандис, инженерлар томонидан ёки сифатини умумий бошкариш усуллари билан эмас, балки махсулот сифатини харидор белгилайди.
Истеъмолчиларда махсулотдан фойдаланиш ёки эксплуатация қилиш жараёнида махсулотларни сифати бўйича тажрибаси жамланиб боради.
Махсулотнинг сифатини илмий техник тараққиетининг кўзгуси (ойнаси) хам деб аташ мумкин.


Махсулот сифати иқтисодий категория сифатида корхонанинг бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳам узвий боғлиқдир.
Бу кўрсаткичларга маҳсулотни таннархи, қиймати, фойда ва рентабиллилик кўрсат-кичларини кўрсатиш мумкин.
Маҳсулот сифатини ошириш макро ҳам микро даражада жуда мухим аҳамиятга эгадир.

***Махсулот сифатини оширишни макро даражада куриб чикадиган бўлсак, у холда:***

- Товарлар ва хизматларни экспортини яхшиланишига имкон бериши;
- Экспорт структурасини яхшиланишига эришиш мумкин;
- Фан техника тараққиётини тезлаштиришга эришиш мумкин;
- Жамоа ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшиланишига эришиш мумкин, яъни махсулот сифатини ошириш, ишлаб чикариш воситаларидан ва меҳнат предметларидан, ишчи кучидан ва молиявий ресурслардан фойдаланишни яхшилашга олиб келади;
- Халқни турмуш даражасини оширишга эришилади, яъни махсулот сифатини ошириш орқали реал иш хақини оширишга эришиш мукмкин;
- Давлатни мавқеини оширишга эришиш мумкин;
- Инсонларни гўзаллик руҳида тарбиялашга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб махсулот сифатини макро даражада кўриб чиқадиган бўлсак, махсулот сифатини ошириш орқали фан- техника тараққиётини тезлаштиришга, жамоа ишлаб чиқариш самарадорлигини ва экспортни кенгайтиришга, тараққий этишга ва гуллаб яшнашга олиб келади.

37

Бунинг учун давлат ҳамма кучини шу масалага сафарбар қилиши зарур. Биринчи навбатда бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилган бўлиши керак. Хозирда Республикамизда бу масала борасида етарли даражадаги ҳуқуқий асослар яратилган.

1996 йилда ЎзРнинг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, ЎзР «Сертификациялаштириш тўғрисида»ги Қонуни, ЎзРнинг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўз Рнинг «Истеъмолчиларни хақ-ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги Қонунлари қабул қилинган.

38



*Корхоналарда махсулот сифатини доимий равишда ошириб бориш орқали:*

- *Корхоналарни мавқеини оширишга эришиш мумкин;*
- *Корхона юқори даражадаги машхурликка эришади, шухрати ортади;*
- *Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотларга, хизматларга бўлган муносабат мустахкамланди, реклама ривожланади.*

**Махсулот сифатини белгилашда қўлланиладиган усулларга:**

1. Ўлчов асбоблар ёрдамида аниқлаш усули;
2. Қайд қилиш ёки рўйхатга олиш усули;
3. Ҳисоблаб чиқиш усули;
4. Органалептик усул, бу усулда кишиларни сезиш органларни қабул қилиш қобилиятлари таҳлил қилинади, яъни кўриш, эшитиш, хид ва таъм билиш қобилиятлдари назарда тутилади.
5. Социологик усул бўлиб, бунда маҳсулот ҳақидаги амалдаги ёки келажакдаги фикрлар йиғилади.
6. Эксперт усули, бунда бир гуруҳ мутахассислар, дизайнерлар, дегустаторлар қатнашадилар.

**Сифат кўрсаткичлари мажмуаси қуйидагилар**

1. Вазифа кўрсаткичлари;
2. Ишончлилик кўрсаткичлари;
3. Тўхтамаслик кўрсаткичлари;
4. Чидамлилик кўрсаткичлари;
5. Таъмирлашга яроқлилик кўрсаткичлари;
6. Сақланиш кўрсаткичлари;
7. Эргономик кўрсаткичлари;
8. Эстетик кўрсаткичлари;
9. Технологик кўрсаткичлари;
10. Транспорт кўрсаткичлари;
11. Патент-ҳуқуқий кўрсаткичлари;
12. Экологик кўрсаткичлари;
13. Хавфсизлик кўрсаткичлари;
14. Маҳсулотни сифатини белгилаб берувчи иқтисодий кўрсаткичлар.

## Эргономик кўрсаткичлари. Уларни 4та асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Гигиеник (ёритилганлийлиги, температураси, намлиги, босм ва бошқалар назарда тутилади).
2. Антропометрик (маҳсулот конструкциясини инсон танасига ва унинг бошқа алоҳида органларига мос келиши, инсон танасини оғирлигини маҳсулот конструкциясида тўғри тақсимланиши ва бошқаларни назарда тутади).

42



Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш тартибини кураётиб, корхоналар қуйидаги олдинга қўйилган мақсадларга эга бўлиши керак:

1. Маҳсулот сифатининг бозор талаби ва аниқ харидор талабига мувофиқ келиши;

2. Маҳсулотнинг сотиб олиш, етказиб бериш ва фойдаланиш харажатлари йиғиндисини камайтириш;

3. Харидор истаган муддатга етказишни амалга ошириш;

4. Корхонанинг бозорда юқори мавқеини яратиш ва корхонанинг мустаҳкам ҳамкор сифатида тасдиқлайдиган далилларни келтира билиш.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА ҚУЙИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИ БИР-БИРИДАН ФАРҚЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА:

***Маҳсулотнинг сифати кўрсаткичи*** деб унинг сифатини белгиловчи бир ёки бир неча хосса-хусусиятларнинг миқдорий тавсифига айтилади.

***Маҳсулотнинг белгиси*** – унинг барча хусусият ва ҳолатларининг сифат ва миқдорий тавсифидир.

***Маҳсулотнинг параметри*** – унинг белгиси бўлиб, барча миқдорий хусусият ва ҳолатларни ифодалайди.

45

Сифат кўпгина тасодифий, маҳаллий ва субъектив омилларнинг таъсирига боғлиқ. Бу омиллар сифат даражасига кўрсатадиган таъсирининг олдини олиш учун **сифатни бошқариш тизими** зарур.

Бунда айрим уюшмаган ва тасодифий харакатлар эмас, балки сифатнинг тегишли даражасини сақлаб туриш мақсадида маҳсулотни яратиш жараёнига мунтазам таъсир қилиш чоралари мажмуаси зарур.

46

**Замонавий адабиёт ва амалиётда сифат менеджментининг қуйидаги концепциялари қўлланади:**

- сифат тизими (Quality system);
- сифатни бошқаришга асосланган, менеджмент тизими (Quality Driven Management System);
- умумий сифатни бошқариш (Total Quality Management);

48




## Махсулот сифати тизими.

**Сифат тизими – сифатни умумий бошқаришни амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий тузилмаси тартибли харакатлар (процедура), жараёнлар ва ресурслар мажмуаси.**

Сифат тизимлари яратилиши ва фаолияти қуйидаги мақсадаларга эришиш учун зарур:

- сифатни таъминлаш;
- сифатни бошқариш;
- сифатни яхшилаш.

***Маҳсулот сифатини бошқаришнинг мажмуавий тизими (МСБМТ) доирасида қуйидаги вазифалар бажарилади:***

- маҳсулотга бўлган талаб, унинг техникавий даражаси ва сифатини олдиндан кўриш;
- маҳсулот сифати ва уни оширишни режалаштириш;
- маҳсулот сифтига бўлган талаблар;

маҳсулотни аттестациялаш, янги маҳсулот ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга қуйишни ташкил қилиш;

ишлаб чиқаришни технологик тайёргарлигини ташкил қилиш;

- метрологик таъминотни ташкил қилиш;
- моддий техникавий таъминотни ташкил қилиш;
- кадрларни махсус тайёрлаш ва ўқитиш;

- маҳсулот сифатини режалаштирилган барқарор даражасини ишлаб чиқиш, уни ишлаб чиқариш, омборларга жойлаш, транспортлаш сотиш ва фойдаланиш пайтларида, яъни унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида таъминлаш;
- Маҳсулот сифатини оширишга қизиқтириш;
- Андозалар техникавий шартларни тадбиқ этиш ва ўлчаш воситалари ҳолати устидан давлат назорати;
- Маҳсулот ситфатининг ҳуқуқий таъминоти.
- МСБМТ нинг ахборот таъминоти;
- Етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида сифат масалалари бўйича ўзаро муносабатларни ташкил қилиш.

*3-Мавзу: Реал секторда маҳсулот сифатини бошқаришда миллий ва чет эл тажрибаси*

*Режа:*

1. *Маҳсулот сифатини бошқариш тушунчаси.*

2. *Сифатни бошқаришда АҚШ тажрибаси.*

3. *Сифатни бошқаришда Япония тажрибаси.*

4. *Ўзбекистон корхоналарида сифатни бошқариш хизмати.*

АҚШ фирмаларида сифатни бошқаришда жараёнларини такомиллаштиришда қуйидаги тамойилларни қуллайдилар:

- фирманинг олий бошқарув бўғинларининг сифатни таъминлаш тизимида оддий қатнашишдан тизимли бевосита бошқарувга ўтиш;
- барча тоифали кадрлар малакасини оширишга диққатни кескин ошиши;
- барча тоифали ходимлар учун фирмада бажарилаётган ишлар ва операцияларга андозалар қўллаш. Бу андозалар иш натижаларини ихтиёрий баҳолашни бартараф қилиш керак ва биринчи мартадан тўғри ҳамда "дефектлар сони-ноль" талабларини амалга оширишни таъминлаши керак;
- Сифатни нафақат техникавий кўрсаткичлар орқали балки нарх кўрсаткичлари орқали ўлчаш, натижада "сифат нархи-тушунчаси" киритилади, у ўз ичига номувофиқлик нархи" ва "мувофиқлик нархи" ни олади.




Бу тизим қуйидаги вазифаларни бажарадиган 9 та кичик тизидан иборат:

- сифат тизимини бошқариш;
- буюм ишлаб чиқаришни назорат қилиш;
- сотиб олинадиган хом ашё, материал ва жамловчи буюмларни назорат қилиш;
- технологик жараённи ишлаб чиқиш ва операцион назорат;
- маҳсулот сифати ҳақида информация;
- махсус тадқиқотлар;
- сифат тавсифларини ўлчаш ва назорат-ўлчаш апаратураси;
- сифатни кўтариш ишларига ходимларни жалб қилиш;
- буртмачилар билан алоқа ўрнатиш.

**Япония тажрибаси**

70 йиллар бошида Япония товарларининг ҳалқаро бозорини "босиб олиши" бошланди. Бу босишнининг сабабларидан бири шундаки, Япон товарлари арзонроқ эди.

Бу баҳо рақобатига сезиларли таъсир қилган эди. Лекин ҳозир ҳам япон ва америка товарларининг нархлар деярли бараварлашганда "босиш" мувафақиятли давом этмоқда. Бу мувафақиятнинг асосида сифати юқори бўлган туфайли япон товарларининг рақоабатбардошлиги "сифат рақобати" ётади.

Масалан, япон автомабили ўрта ҳисобда америка автомабилидан ўн марта камроқ ищдан чиқади, америка теливизорларининг носозлик частотаси япон теливизорларидан 1.5-2 баравар ортиқроқ.

Рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш учун япон фирмалари сифатни бошқариш усулларини мунтазам равишда такомиллаштиридилар.

Фирмаларни кўпчилигида сифатни бошқариш қуйидаги тамойилардан иборат:

- сифат бўйича умумфирма сиёсатини ўтказиш ва уни узоқ муддатга режалаштириш;
- товарларнинг янги турларини ишлаб чиқишда янги тамойиллар ва усулларни қўллаш;
- фирмаларнинг барча бўилмларини қамраб оладиган сифатни таъминлаш тизимини яратиш;
- сифат устидан назорат;
- сифатни бошқариш бўйича фаолиятни савдо-агентлари, савдо фирмалари, дўконларга тарқатиш.

Сифатни бошқаришга бундай ёндошиш умумий сифат деган ном олди. Унинг моҳияти қуйидагича:

- маҳсулот сифатини яхшилашда сифат тўгаракларига бирлашиб, фирманинг барча ходимларини қатнашиши шарт;
- фирма раҳбарияти сифат даражасини доим таҳлил ва назорат қилиш шарт;
- ҳамма иш ўринларида назоратнинг статистик усуллари қўлланиши керак;
- доим сифатни назорат қилиш усулларини барча даражаларда миллий миқиёсда ўргатиш лозим;
- сифатни назорат қилиш усулларини тадбиқ этиш ҳаракати бутун мамлакатни қамраб олиши керак.

## Европа тажрибалари



Айрим Ғарбий Европа компаниялари бошқаришнинг Япония усули деб аталувчи усулини ўрганишда ишларининг оқилона элементларини жорий қилиш билан бошладилар.

Энг кўуп таркалган сифат тўгараклари булди.

Биринчилардан бўлиб, бу усулни қўллаган давлат Буюк Британиядир.

Сифат тўгаракларининг фаолияти факатгина корхона ишларини яхшилаш билан бир каторда бошқариш аппаратининг ишларини яхшилаш, иш юритишни осонлаштириш хужжатлар сонини камайтириш, келишиб олиш ва қарорлар кабул қилишни такомиллаштириш масалалари билан шуғулланади.



Мутахассислар-нинг фикрича Ғарбий Европа фирмаларида тўгаракларнинг жорий бўлиши Японияникидан жадаллироқ экан.



Белгияда шундай тўгараклар ташаббускорилари сифат тўгарагининг амалий ассоциациясига бирлашган.

Мамлакат бўйлаб сифат тўгараклари фаолият кўрсатаётганликлари қайт қилинган.

Мамлакатдаги кўпгина фирмалар сифат назоратини ялписига жорий қилиш йўлини тутди.Бу эса ўз навбатида сифат тўгарагининг мавқеини бирмунча оширди.

1986 йили Италия миллий ассоциацияси сифат тўгаракларини ташкил қилди ва ҳозирга келиб бу мамлакатда 400 дан ортиқ корхоналарда сифат тўгараклари мавжуд бўлиб, уларнинг сони 4 мингдан ортиб кетди. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда корхоналарда тузилган сифат тўгараклари 96 фоиз ютуқларга эга бўлмоқда.






Сифат тўгарагининг Швед ассоциацияси 110 корхонани бирлаштирди,ҳаммаси бўлиб мамлакатда 500 ширкатлар ўз режаларига эга.

Булардаги энг фаол сифат тўгаракларининг сони 30 дан ортиқни ташкил қилади.

## Хитой Халк Республикасида сифат тўгараклари ҳам аста-секин кўпая борди

1980 йилда мамлакат бўйича 400 мингдан ортиқ "Сифат тўгараклари" бор деб ҳисобланар эди.

1985 йилга келиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди. Хитой тўгараклари мухандис-техник ходимларни, ишчиларни ва бошқарув бўғинидаги хизматчиларни бирлаштирадиган тўгаракларни ўз ичига олади.

## Бу тадбирларнинг ҳаммаси нималарга олиб келади, саноатга нима беради?

Даставвал, корхона ходимлари томонидан ўзларининг мақсадлари ва вазифалари аниқ билиш ва қуришдан иборат.

Сифат тўгараклари коллективга таъсир кўрсатиб, уларни маҳсулотнинг сифатини юқори даражада таъминлашга ходимларни сафарбар қилади.

Шунинг учун кўпгина мамлакатларда бу масалага биринчи навбатда масала деб қаралмокда.

Бу муаммони ечишда корхона раҳбари ва коллектив тадбирларга ишонч ҳосил қилиб, кўлни-кўлга бериб бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилишларини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмокда.

АНА ШУНДАГИ СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРА БОШЛАЙДИ.

Буни хар бир ишбилармон, корхона раҳбари чуқур тушуниши ва виждонан бажариши лозим. Маҳсулот сифатининг яхшиланиши саноатни ҳар тарафлама ривожланишига,мустаҳкамланишига олиб келиб, давлатнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Маҳсулотнинг сифатини пастлиги (рақобатбардош эмаслиги) – бу абстракт категория бўлмай балки корхонанинг ишовчан эмаслигига аниқ асосдир. Шунинг учун сифат муаммоси эндиликда стратегик муаммодек англанади.

# 4-МАВЗУ. РЕАЛ СЕКТОРДА СТАНДАРТЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

***Режа:***

1. Стандартлаштиришнинг мақсадлари ва вазифалари.
2. Стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар ва уларга қуйиладиган талаблар.
3. Ўзбекистон Республикаси «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни ва унинг сифатни таъминлаш тизимини тартибга солишдаги роли.


Стандартлаштириш - ҳақиқатда амалга оширилаётган ёки потенциал масалаларга нисбатан кўплаб марта фойдаланиш учун маълум шартларни ўрнатиш орқали оптимал даражада тартибга солишга эришишдир.
Бизнинг республикамизда стандартлаштириш ишлари билан Уздавстандарт, шунингдек, фаолият соҳаларининг бириктирилишига қараб Давлат табиатни сақлаш қўмитаси, Давлат қурилиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги шуғулланади.


“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ
Стандартлаштириш
Сертификатлаштириш ва синовлар
Метрология
Аккредитация
Халқаро талабларга мувофиқлаштириш
Халқаро даражада тан олишга эришиш

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ




## Асосий талаб

**Норматив хужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди !**

**Ўзбекистон Республикаси “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 6 моддаси**

## "СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИ" ДА

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган**

- 1-модда. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари
- 2-модда. Давлат стандартлаштириш тизими
- 3-модда. Стандартлаштириш ишларини ўтказиш
- 4-модда. Стандартлаштириш тўгрисидаги қонун хужжатлари
- 5-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар
- 6-модда. Норматив хужжатларнинг тоифалари ва уларга
- қўйиладиган асосий талаблар
- 7-модда. Стандартлаштиришга доир норматив
- хужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланиши
- 8-модда. Давлат назорати органлари ва объектлари
- 9-модда. Давлат инспекторлари, уларнинг хуқуқлари ва жавобгарлиги
- 10-модда. Стандартлаштириш тўгрисидаги қонун
- хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
- 11-модда. Давлат йўли билан стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти
- 12-модда. Стандартлар қўлланилишини рағбатлантириш

## Республикамизнинг барча иқтисодиёт тармоқларида

## «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ







Стандартлаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритади

Маҳсулот ва ҳизматларга оид Давлат стандартларини тасдиқлайди (O'z DSt)

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги устидан давлат назоратини олиб боради

Стандартлаштириш бўйича ҳалқаро муносабатларни олиб боради

Стандартлаштириш бўйича ҳалқаро муносабатларни олиб боради

Ҳалқаро стандартларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатади

# Давлат стандартлаштириш тизими




## Республикамизнинг барча иқтисодиёт тармоқларида «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ







Стандартлаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини юритади

Маҳсулот ва хизматларга оид Давлат стандартларини тасдиқлайди (O'z DSt)

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги устидан давлат назоратини олиб боради

Стандартлаштириш бўйича халқаро муносабатларни олиб боради

Стандартлаштириш бўйича ҳалқаро муносабатларни олиб боради

Ҳалқаро стандартларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатади

**Қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан, лойиҳалаш ва конструкциялашда**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ



Қурилиш соҳасидаги давлат стандартларини тасдиқлайди(O'z DSt)

Қўрилиш соҳасида давлат назоратини олиб боради

Шаҳар созлик меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди (ШМҚ)

Қурилиш меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди (ҚМҚ) )

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида

Атроф ва табиат муҳитни муҳофаза қилиш борасида давлат назоратини амалга оширади

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиради

Экологик меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид стандартларни тасдиқлайди

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан, импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида





Соғлиқни сақлаш соҳасига оид стандартларни ишлаб чиқади (O'z DSt, TSt)

Санитария меъёрларини ва гигиеник талабларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди (СанПиН)

Фармакопея мақолаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди

Инсон саломатлигини таъминлаш борасида давлат назоратини олиб боради

Озиқ-овқат маҳсулотларига, инсон саломатига таъсир кўрсатиши мумкин маҳсулотларига оид стандартларни келишиб беради (O'z DSt, TSt, KSt, TSh)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ



**Мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида**

Мудофаа эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга оид стандартларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК ҚЎМИТАЛАР

| | |
|---|---|
| ТК-1 «Ўзнефтгаз маҳсулоти» | ТК-14 «Ўзчарммаҳсулот» |
| ТК-2 «Пахта» | ТК-15 «Қуролли кучлар соҳасидаги стандартлар » |
| ТК-3 «Донмаҳсулотлари» | ТК-16 «Автомобил ва дарё транспортини стандартлаштириш» |
| ТК-4 «Озиқ овқат маҳсулотлари» | ТК-17 «Жисмоний тарбия ва спорт» |
| ТК-5 «Ипак маҳсулотлари» | ТК-18 Узлуксиз таълим стандартлари |
| ТК-6 «Ўзвинпром-холдинг» | ТК-19 Туризм сохасида |
| ТК-7 «Алоқа ва ахборотлаштириш» | ТК-20 Энергетика сохасида |
| ТК-8 «Уруғчилик» | ТК-21 Табиатни муҳофаза қилиш сохасида |
| ТК-9 «Ўзавтосаноат» | ТК-22 Саноат хавфсизлиги сохасида |
| ТК-10 «Гўшт-сут маҳсулотлари» | ТК -23 Геологиятқидирув соҳасида |
| ТК-11 «Давархитектқурилиш» | ТК-24 Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника соҳасида |
| ТК-12 «Кимёсаноат» | ТК-25 Йўл харакат хавфсизлиги сохасида |
| ТК-13 «Енгилсаноат» | ТК -26 Ёнғин хавфсизлиги сохасида |

*ИСО халқаро ташкилотнинг расмий маълумотига кўра АҚШ да 553, Венгрияда 186, Грецияда 112, Украинада 639, Россияда 476 та техник қўмиталар фаолият юритиб келмоқда*

## НЕФТ ВА ГАЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕХНИК ҚЎМИТА

| | |
|---|---|
| - "ЎзЛИТИнефтгаз" лойиҳа илмий тадқиқот институти;<br>- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти; | → Фан ва изланиш |
| -"Ўзстандарт" агентлиги;<br>- Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси;<br>- Ўздавнефтинспекция;<br>- Ўздававиаазорат. | → Давлат назорати идоралари |
| - "Ўзбекхиммаш" ОАЖ;<br>-"Нефтегазконструкция" ОАЖ;<br>-"Ўзтрансгаз" АК;<br>-"Ўзнефтмаҳсулот" АК | → Ишлаб чиқарувчилар |
| -Мудофаа вазирлиги;<br>-Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси | → Истеъмолчилар |




**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
("Ўзстандарт" агентлиги)нинг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



## ТАРМОҚЛАРДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛАШГАНЛИК ҲОЛАТИ

| № | Тармоқнинг номи | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига меъёрий ҳужжатлар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Халқаро | | Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар (ГОСТ, O'z DSt, TSh ) | | | |
| | | | | | Жами | | Шу билан бирга, уйғунлаштирилган | |
| | | | дона | % | бирлиги | % | бирлиги | % |
| Жами: | | 48720 | 18799 | 38,6 | 29921 | 61,4 | 3403 | 11,4 |
| 1 | Машинносозлик | 4699 | 1730 | 36,8 | 2969 | 63,2 | 117 | 3,9 |
| 2 | Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлоари | 4347 | 1146 | 26,4 | 3201 | 73,6 | 277 | 8,7 |
| 3 | Электротехника | 3497 | 64 | 1,8 | 3433 | 98,2 | 506 | 14,7 |
| 4 | Металлургия | 2630 | 782 | 29,7 | 1848 | 70,3 | 202 | 10,9 |
| 5 | Кимё | 2519 | 603 | 23,9 | 1916 | 76,1 | 112 | 5,8 |
| 6 | Ахборот технологиялари | 2347 | 2132 | 90,8 | 215 | 9,2 | 74 | 34,4 |
| 7 | Экология | 2179 | 1229 | 56,4 | 950 | 43,6 | 304 | 32,0 |
| 8 | Енгил саноат | 2133 | 771 | 36,1 | 1362 | 63,9 | 125 | 9,2 |
| 9 | Тиббиёт | 1690 | 736 | 43,6 | 954 | 56,4 | 194 | 20,3 |
| 10 | Қурилиш материаллари | 1663 | 574 | 34,5 | 1089 | 65,5 | 67 | 6,2 |
| 11 | Нефтни излаш ва қайта ишлаш | 1157 | 508 | 43,9 | 649 | 56,1 | 78 | 12,0 |
| 12 | Темирйўл техникаси | 156 | 19 | 12,2 | 137 | 87,8 | 8 | 5,8 |
| 13 | Парфюмерия ва косметика | 146 | 16 | 11,0 | 130 | 89,0 | - | - |
| 14 | Хизматлар | 532 | 46 | 8,6 | 486 | 91,4 | 130 | 26,7 |
| 15 | Бошқалар | 19025 | 8443 | 44,4 | 10582 | 55,6 | 1209 | 11,4 |

## СТАНДАРТЛАРДАН ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

### Стандартларнинг электрон кўриниши





**Стандартлардан замонавий ахборот технологиялар ёрдамида фойдаланиш учун, электрон шаклидаги меъёрий хужжатлар фонди ташкил этилди.**

**Фондда 22 000 зиёд стандартларни электрон шакли мавжуд бўлиб, улардан масофадан фойдаланиш имконияти яратилди.**

**Хозирги кунда ушбу электрон тизим барча худудларимизда ишга туширилган.**

**Ишлаб чиқариладиган янги маҳсулотларнинг бозорга кириб боришига кўмаклашиш мақсадида маҳсулотлар каталоглари яратилди**







Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни каталог варақлари яратилиши йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар 10000 дан ортиқ Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар каталоглари яратилган

Каталогларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни техник кўрсаткичлари ва уларни қўллаш соҳалари келтирилган

## СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕЪЁРЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сонли "Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган

Мажбурий равишда қўллаш




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 192-сонли "Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган

Ихтиёрий қўллаш

# 5-МАВЗУ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ

***Режа:***

5.1. Халқаро стандартларни шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши.
5.2. ISO-халқаро стандартлаш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсади ва вазифалари.
5.3. ISO-9001 сифат тизимини қўллашнинг хусусиятлари. Стандартлаш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятининг хусусиятлари (ИСО, МЭК, СЕН, СЕНЭЛЕК ва бошқалар).
5.4. Стандартлаштириш бўйича Немис миллий ташкилотининг фаолият тамойиллари.

Стандартлаштириш буйича халкаро ташкилот ташкилоти (Interntioal Standards Organizarion) 1946 йилда 25 та мамлакатнинг миллий стандартлаш ташкилотлари томонидан ташкил этилди хамда кискача ИСО деб юритила бошлади.

Амалда бу ташкилот уз фаолиятини 1947 йилда бошлади. Бу ташкилотни тузишда унинг номи барча тилларда бир хилда номланишига эътибор бермади. Ташкилотнинг номини грекча суз "isos" -тенг деб номланади.

Шу сабабли халкаро стандартлаш ташкилоти номи кискача килиниб ISO деб номлади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фолият курсатиб, ривож топмокда.




**ISO 9001 серияли стандартлар**

**Сифат менежменти тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.**

**Булардан ISO 9001:2008 «Сифат менежменти тизими. Талаблар» бу туркумнинг энг асосий стандартидир.**

**2005 йилги ISO 9001 стандартига кўра сифатни бошқариш тизимлари ташкилот ёки корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини, шунингдек бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган йўналишларни белгилаган ҳолда, тадбирлар ишлаб чиқиш, етарли даражада ресурслар билан таъминланиши ва раҳбарлик қилиш учун бошқариш тизимидир.**

Умуман олганда, сифатни бошқариш тизими маҳсулот ёки хизматлар якуний натижасининг сифатли бўлишини таъминлашга йўналган ҳолда корхонанинг барча ишлаб чиқариш фаолиятини ўрнатилган тартиб ва талаблар асосида мунтазам бошқаришдир.

Бу, энг аввалом бор, корхона ичида ходимларни ишлаши ва ўзаро алоқалари бўйича зарур ҳажмда ҳужжатлаштириладиган (услубий қўлланмалар, процедуралар, корхона йўриқномалари ва ҳ.к. кўринишда) ва чуқур ўйланган тартиб ва қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилот ёки корхонада ISO 9001 серияли халқаро сифат стандартлари асосидаги СБТ жорий қилиш қуйидагиларга имкон яратади:

- корхонани мақсадлари, бошқариш воситалари ва усулларини сифатга йўналтириш;
- маъмурий бошқариш самарадорлиги;
- ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш;
- корхона бўлинмалари орасида ўзаро алоқани яхшилаш;
- номувофиқликларни олдини олишга эътиборни қаратиш;
- харажатларни камайтириш;
- маҳсулот таннархини камайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот (хизмат) лар сифати ва рақобатбардошлигини доимий ошириш;
- ташкилот обрў-эътиборини ошириш;
- таъминотчиларни танлаш, баҳолаш ва назорат қилиш;
- ўзгараётган бозор шароитларига тезкор ва самарали ёндошиш;
- истеъмолчилар учун доимий ишончлилик кафолатини таъминлаш;
- истеъмолчиларни қаноатланиш даражасини доимо таҳлил қилиш ва ошириш.



**ISO 14000** экологик менеджмент тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.

Экологик менеджмент тизими

Кейинги йилларда бутун дунёда атроф-муҳит экологиясини самарали бошқариш (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) корхоналар сифатни бошқариш тизими билан бевосита боғланган асосий вазифаларини ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда ва корхонани умумий бошқариш тизимининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

ISO 14000 стандартлари бўйича экологик менеджмент тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- корхонани бошқариш тизимларини оптималлаштириш ва атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирлар олдини олиш;
- экологик бошқарувни самарали жорий қилиш ҳисобига энергетик ресурсларни иқтисод қилиш;
- ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш;
- атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш;
- энергия ва материалларни тежаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни самаралироқ бажариш;
- экологиянинг бузилиши билан боғлиқ бўладиган ортиқча сарф-харажатларни камайтириш;

ISO 14000 стандартларига мувофиқлик сертификати экология соҳасидаги қоида ва меъёрларга риоя қилинишини расмий тасдиғи ҳисобланади ва:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;
- экологик тоза маҳсулотлар бозорида рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;



## OHSAS 18001

(Occupational health and safety managment systems)

**Ходимлар соғлиғини ҳимоя қилиш ва саноатда хавфсизликни бошқариш тизимини яратиш бўйича халқаро стандарт.**

Бу стандарт ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини яратишга мўлжалланган.

OHSAS 18001 талабларини ISO 9001 ва ISO 14000 билан уйғунлаштириш мумкин.

OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлигини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:

- ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган хавф-хатарларни, танг ҳолатлар олдиниолиш;
- хавфли ишлаб чиқариш факторларини назорат қилиш;
- иш жойларидаги мавжуд ва келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни идентификатлаштириш;
- иш жойлари ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва корхона умумий корпоратив маданияти яхшилаш;
- ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларини олдини олиш ва бартараф қилиш ҳисобига инсон талафотларини камайтириш;

**OHSAS 18001 стандарти бўйича ходимлар соғлигини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини бошқариш тизими қуйидагиларни таъминлайди:**

- бизнесни бевосита ва билвосита сарф-харажатларини, жумладан вақтинча иш қобилятини йўқотилганлиги тўловларини камайтириш;
- корхона обрўсини яхшилаш, инвесторлар эътиборини жалб қилиш;
- танг ҳолатлари рўй бериши эҳтимолларини камайтириш;
- фавқулодда ҳолатлар ва ишлаб чиқариш фалокатлари оқибатларини минималлаштириш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш;
- ходимлар потенциалидан максимал ва самарали фойдаланиш;
- давлат бошқарув ва давлат техникавий назорати идоралари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятлари.

**OHSAS 18001 стандартига мувофиқлик сертификати ходимлар соғлиғини сақлаш ва хавфсизлиги соҳасидаги қоида ва меъёрларга риоя қилинишини расмий тасдиғи ҳисобланади:**

- ходимлар соғлиғи ва хавфсизлиги соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;
- рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;
- юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш учун зарур.



ISO 22000 HACCP
(Hazard Analysis and Critical Control Points)

«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

ISO 22000 HACCP
«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқаришнинг мукаммал тизимидир.

Ўтган асрнинг 90- йиллар бошида Европа иттифоқи ушбу тизимни озиқ-овқат саноатида хавфсизликни таъминлай олиши мумкин бўлган энг самарали тизим сифатида қабул қилди.

## ISO 22000 HACCP
## «Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими

БМТ озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти ҳамда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳамкорликда молиялаштириладиган ҳукуматлараро идора Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича «Кодекс Алиментариус» комиссияси томонидан 1993 йили HACCP тизими ва уни жорий қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди.

HACCP стандарти ишлаб чиқаришни тўлиқ занжири, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот хом-ашёсидан, уни қайта ишлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказишгача қўлланиши мумкин бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимига талабларни белгилайди.

Бу стандарт талабларини мустақил ёки ISO 9000 стандартлари асосидаги сифатни бошқариш тизимлари билан биргаликда қўллаш мумкин.

## ISO 22000 HACCP тизими корхонада қуйидагиларни таъминлайди:

- Корхонани ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш занжирида хавфли нуқталарни аниқлаш, уларни назоратда ушлаш, ҳамда самарали бошқариш орқали сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш;
- истеъмолчиларни маҳсулот сифати ва сифат |барқарорлигига ишончни ошириш;
- янги бозорларга чиқиш ва амалдагиларини кенгайтириш учун

  имкониятларни ошириш;
- маҳсулот хавфсизлигини бошқариш учун ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- корхона фаолияти иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;
- ходимлар жавобгарлиги ва маъсулиятини ошириш;
- тендер ва танловларда маълум имтиёзларга эга бўлиш.

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

- ISO халқаро стандартлаштириш ташкилотининг стандартлари
- Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро стандартлари
- CENELEC Европани электротехника соҳасида стандартлаштириш қўмитаси стандартлари
- Қонуний метрология соҳаси бўйича халқаро ташкилот стандартлари
- “Codex Alimentarius” халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти озиқ-овқат маҳсулотларига оид стандартлари
- IAF ва ILAC халқаро аккредитация ташкилотлари стандартлари
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Туркия, Польша, Миср, Германия, Буюк Британия, Сингапур, Греция, Латвия, Жанубий Корея, Франция, Чехия, Хитой мамлакатлари миллий стандартлари

**6-мавзу. Метрологиянинг ташкилий-ҳуқуқий асослари (2 соат)**

**Режа:**

6.1. Метрология соҳасидаги асосий тушунчалар.
6.2. Маҳсулот сифатини таъминлашнинг метрологик асослари.
6.3. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати тузилмаси.
6.4. Ўлчов воситаларини тайёрлаш, текшириш, таъмирлаш, сотиш ва ижарага бериш бўйича юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини лицензиялаш.
6.5. Метрология бўйича халқаро ташкилотлар, уларнинг вазифалари ва функциялари.



**20-май (World Metrology Day)**

Халқаро метрология куни

Метрология-хаётимиздаги мухим омиллардан биридир.

1875 йилда Парижда бўлиб ўтган халқаро конференцияда 17 мамлакат вакиллари иштирок этган холда 20 май кунини “Ҳукуматлараро халқаро оғирлик ва ўлчовларни юритиш ташкилоти” га асос солинди ва шу кунни нишонлаш белгилаб олинди.

3

## МЕТРОЛОГИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
28.12.1993 й.
N 1006-XII

МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА
21-модда

Асосий тамойиллар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими белгилаб берилган

Давлат ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимининг асос бўлувчи меъёрий хужжатлари

Ташкилий масалалар, ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизими тартибга солинади

1996 йил 9 февральдаги 53-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Ўзбекистон Республикаси миллий эталон базасини шакллантириш ва метрологик таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукуматнинг махсус қарори

## МЕТРОЛОГИЯ СОҲАСИГА ТЕГИШЛИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. ЎзР ВМ 03.10.2002 й.даги 342-сонли “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

2. ЎзР ВМ 05.08.2004 й.даги 373-сонли “Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва бошқалар.

## МЕТРОЛОГИК ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



**Метрология** - ўлчашлар, уларнинг бирлилигини таъминлаш усуллари ва воситалари, керакли аниқликка эришишга қаратилган фаолият.

7

## Метрологиянинг қисқача тарихи

- Ўлчашлар хақидаги соҳанинг тарихи минглаб йилларни ташкил этади. Ўлчашларга бўлган эҳтиёж қадим замонларда юзага келган.
- Инсон кундалик ҳаётида ҳар хил катталикларни: масофаларни, ер майдонларини, юзаларини, жисмларнинг ўлчамлари ва массаларини, вақтни ва ҳоказоларни бу жараёнларнинг юзага келиш сабабларини, манбаларини билмасдан, ўзининг сезгиси ва тажрибаси асосида ўлчай бошлаган.

8

- Энг қадимги ўлчаш бирликлари-антропометрик, яъни инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқликка ёки мойилликка асосланган ҳолда келиб чиққан ўлчаш бирликлари ҳисобланади.

- Масалан: Ладонь-бош бармоқни ҳисобга олмаганда қолган тўрттасининг кенглиги;
- фут-оёқ тагининг узунлиги;
- пядь-ёзилган бош ва кўрсаткич бармоқлар орасидаги масофа, қулоч, қадам ва ҳоказолар,

9

- Ҳозирги кунларда фан ва техниканинг ривожланиши туфайли илгари ўлчаб бўлмайди деб ҳисобланган катталикларни ўлчаш ва баҳолаш имкони яратилмоқда.

- Масалан, Санкт Петербург алоқа институти олимлари ҳидни ўлчаш борасида бирмунча ютуқларни қўлга киритганлар.

- Бу хусусда буюк италиялик олим Галилео Галилейнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш ўринли бўлади: - "Ўлчаш мумкин бўлганини ўлчанг, мумкин бўлмаганига эса имкон яратинг".

10


Ўлчашларнинг давлат иқтисодиётига таъсири
«Ўзстандарт» Агентлиги
Масса эталони
Қиёслов лабораториялари
Масса компараторлари
Автомобиль торозлари
Давлат аҳамиятига эга бўлган соҳаларда ўлчовларни амалга ошириш
Пахта ва дон маҳсулотларини қабул қилиш шаҳобчаларида ўлчовларни амалга ошириш
Давлат тарафидан қўйилган режа кўрсаткичларини иқтисодий муносабатлар мувозонатини аниқ бажарилишини таъминлаш


Метрологик таъминотнинг маҳсулот сифатига таъсири
Лойиҳалаштириш
Ишлаб чиқариш
Синов
Метрологик таъминотнинг сифат воситалари
Метрологик экспертиза
Ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш, метрологик экспертиза
Синов қурилмаларини аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш, метрологик экспертиза
Сифатсиз метрологик таъминотнинг оқибатлари
Ишлаб чиқаришда нуксонларнинг кўпайиши
Текширишда хатолик эҳтимоллигининг ошиши
Буюмни йиғишда нуқсон аниқланади
Синаш жараёнида буюм яроқлилигини бузиш
Эксплуатация жараёнида буюм яроқлилигини бузиш
Буюмнинг эксплуатацион хусусиятлари камаяди
Чиқим, харажат

**Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунининг 14 моддасига мувофиқ давлат метрология текширувива назоратитатбиқ этиладиган доиралар белгилаб берилган**

Шу жумладан

| | |
|---|---|
| Соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш | сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш |
| моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш | геодезик ва гидрометеорологик ишлар |
| савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш | ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш |
| заҳарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш | ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш |
| давлат мудофаасини таъминлаш | фойдали қазилмаларни қазиб олиш |
| меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш | миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олиш |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МЕТРОЛОГИЯ ИДОРАСИ («Ўзстандарт» агентлиги)

- Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази
- Метрология хизматлари кўрсатиш маркази
- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти
- Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (14 та)
- Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳудудий марказларининг ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текширув бўлимлари (16 та)
- Юридик шахсларнинг аккредитланган метрологик лабораториялари (326 та)




- **"Ўлчов воситаларини калибрлаш"** - метрологик жиҳатларнинг ҳақиқий қийматларини ва ўлчов бирликларининг қўллашга яроқлилигини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш мақсадида калибрлаш лабораторияси бажарадиган операциялар мажмуи;
- **"Ўлчов воситаларини ясаш (таъмирлаш, сотиш, ижарага бериш) учун лицензия"** - давлат метрология хизмати томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган, мазкур фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат.
- **КАЛИБР** (араб, калибр - шакл) - машинасозликда шкаласиз ўлчов асбоби; унинг ёрдамида буюмларнинг ўлчамлари, шакли ёки ўзаро жойлашиши ўлчанади. 17

## Метрологик (физик)ўлчам бирликлари

| № | Катталик нинг номи | Ўлчами | Бирлик нинг номи | Халкаро белгиланиши | Илова |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Узунлик | L | Метр | m | |
| 2 | Масса | M | Кило грамм | kg | |
| 3 | Вакт | T | Секунда | s | |
| 4 | Электр токининг кучи | I | Ампер | A | |
| 5 | Температура | θ | Кельвин | K | |
| 6 | Модда микдори | N | Моль | mol | |
| 7 | Ёруғлик кучи | J | Кандела | cd | |
| 8 | Ясси бурчак | I | Радиан | rad | Кейин киритилган |
| 9 | Фазовий бурчак | I | Стерадиан | sr | |

## 2020 й.гача Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича синов ва ўлчаш лабораторияларини модернизациялаш, қайта жиҳозлаш (1-илова)

| № | Комплекслар номи | Лаборатория лар сони | Инвестиция хажми (минг АҚШ дол.) |
|---|---|---|---|
| **Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича, жами** | | **217** | **53 563,5** |
| 1 | Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш | 121 | 34 913,5 |
| 2 | Машинасозлик | 21 | 3 105,0 |
| 3 | Ижтимоий соха | 6 | 2 398,2 |
| 4 | Коммунал соха ва транспорт | 5 | 1 070,7 |
| 5 | ЁЭК (ТЭК) | 12 | 810,4 |
| 6 | Таълим, маданият ва спорт | 4 | 100,5 |
| 7 | АКТ | 1 | 2,7 |
| 8 | «Узстандарт» агентлиги бўйича | 47 | 11 162,5 |

## Халқаро даражада аккредитациядан ўтувчи «Ўзстандарт» агентлиги ҳудудий синов лабораториялари (2-илова)




Сарф этиладиган маблағ: 1 026 минг АҚШ долл.

Синов лабораториялари сони: 12 та.

## Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар маркази

**1996 йил 9 февральдаги 53-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Ўзбекистон Республикаси миллий эталон базасини шакллантириш ва метрологик таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»**



**Давлат эталони деганда, ваколат берилган миллий органнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўлчаш бирлигининг ўлчаш сифатида эътироф этилган эталони тушунилади.**

**ЭТАЛОН** (франц. — намуна) — бирор нарсанинг идеал намунаси, ўлчови ёки тури (типи); фан ва техниканинг муайян тараққиёт даражасида энг юқори аниқликка эришилган ўлчов бирликларини қайта тиклаш, сақлаш ва тарқатиш учун хизмат қиладиган намуна ўлчовлар ҳамда ўлчаш асбоблари.

## Республикадаги Миллий Эталонлар

**Узунлик бирлиги миллий бошланғич эталони**



Вазифаси – ўлчаш кўлами 0,1 дан 100 mm гача бўлган намунавий (1-чи и 2-чи разряд ва аниқлик синфи 00 ва 0) чегаравий узунлик ўлчовларини қиёслаш ва калибрлаш.

**Частота ва вақт бирликлари миллий бошланғич эталони**



Вазифаси – ўлчаш кўлами 0,1 Hz дан 1300 MHz гача бўлган намунавий ва юқори аниқликдаги вақт ва частота ўлчаш воситаларини қиёслаш ва аттестациялаш.
1 секунд ҳатоликка йўл қўйиш даври 50 асрни ташкил этади.

## Республикадаги Миллий Эталонлар

**Ўзгарувчан ток кучланиши бирлиги миллий бошланғич эталони**



Вазифаси – ўлчаш кўлами 1 mV ÷ 300 V гача (20 Hz ÷ 30 MHz частоталарда) бўлган намунавий ва юқори аниқликдаги (1-чи ва 2-чи разряд ва аниқлик синфи 0,01÷0,05) электромагнит ўлчаш воситаларини қиёслаш ва аттестациялаш.

**Индуктивлик бирлиги миллий бошланғич эталони**



Вазифаси – намунавий ва юқори аниқликдаги индуктивлик ўлчаш воситаларини қиеслаш ва аттестациялаш

**“Ўзстандарт” агентлиги томонидан метрология хизматларини ташкил этишда синов ускуналари ва намунавий ўлчов воситаларини харид қилиш учун 01.01.2015 йилда ажратилган маблағлар сарфи ҳолати таҳлили**

| № | Соҳалар | Режалаштирилган | | Харид қилинган | | Харид қилинмаган | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ускуна сони | Маблағ миқдори | Ускуна сони | Маблағ миқдори | Ускуна сони | Маблағ миқдори |
| **1** | Синов соҳаси бўйича | 26 | 1 286 000 | 24 | 957329 | 2 | 73 000 |
| **2** | Метрология соҳаси бўйича | 36 | 1 722 000 | 20 | 388639,792 | 16 | 983 000 |
| **Жами** | | **62** | **3 008 000** | **44** | **1 645 969** | **18** | **1 056 000** |

31

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



# МЕТРОЛОГИЯ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК




## СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА АККРЕДИТАЦИЯ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МИЛЛИЙ ИДОРАЛАР БИЛАН АМАЛДАГИ КЕЛИШУВЛАР

| № | Давлатлар | Келишувларни амалга киритилиши | № | Давлатлар | Келишувларни амалга киритилиши |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | МДҲ | 1992 й. дан | 11. | Франция | 2010 й. дан |
| 2. | Эрон | 2005 й. дан | 12. | Хитой | 2010 й. дан |
| 3. | Сингапур | 2007 й. дан | 13. | Польша | 2010 й. дан |
| 4. | Миср | 2007 й. дан | 14. | Вьетнам | 2010 й. дан |
| 5. | Корея | 2008 й. дан | 15. | Ҳиндистон | 2011 й. дан |
| 6. | Греция | 2008 й. дан | 16. | Индонезия | 2011 й. дан |
| 7. | Буюк Британия | 2008 й. дан | 17. | Венгрия | 2011 й. дан |
| 8. | Латвия | 2008 й. дан | 18. | Испания | 2012 й. дан |
| 9. | Чехия | 2009 й. дан | 19. | Словакия | 2012 й. дан |
| 10. | Германия | 2010 й. дан | 20 | Қозоғистон | 2012 й. дан |

## 7-мавзу. Реал секторда маҳсулотни сертификатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

**Режа:**

7.1. Маҳсулотни сертфикатлаш соҳасидаги асосий тушунчалар.Сертификатлаштиришнинг мақсади ва вазифалари.

7.2. Ўзбекистонда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

7.3. Сертификатлаштириш бўйича ишларни лицензиялаш.

7.4. Сертификатлаш натижалари: сертификат ва мувофиқлик белгиси.

### Сертификатлаштиришнинг хуқуқий базаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
28.12.1993 й.
N 1006-XII
МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
26.04.1996 й.
N 221-I
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
30.08.1997 й.
N 483-I
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

2004 йил 6 июлдаги 318-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
«Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
«Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

2012 йил 30 декабрдаги 379-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
«Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»


Мувофиқликни тасдиқлашнинг асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлари
Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2005 йилнинг 18 март санасида 1458-сон билан рўйхатга олинган
Мажбу тибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш Қоидалари
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2005 йилнинг 20 сентябр санасида 1518-сон билан рўйхатга олинган
талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низом
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2005 йилнинг 16 апрел санасида 1465-сон билан рўйхатга олинган
Сертифи тирилг ан маҳсулотлар устидан инспекцион назорат ўтказиш тартиби
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2005 йилнинг 06 апрел санасида 1464-сон билан рўйхатга олинган
Мажб ртибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш Қоидалари
Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йилнинг 26 феврал санасида 901-сон билан рўйхатга олинган
ISO,
ГОСТ,
O`zDSt,
TSt,
TSh,
KSt


МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ИДОРАСИ («Ўзстандарт» агентлиги)
Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида техник сиёсат ва сифат тизимлари бошқармаси
Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ва унинг худудий марказлари 18
Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадкикот институти
Аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари 183
Аккредитацияланган синов лабораториялари 372
Сифат бўйича эксперт-аудиторлар 303

## Фаолият юритаётган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораториялари




## Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораларининг Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича жойлашуви

| № | Саноат тармоғи | Рес. бўйича жами | | ҚҚ Рес | Хор. вил. | Анд. вил. | Нам. вил. | Фарғ вил. | Бух. вил. | Нав. вил. | Сам. вил. | Сурх. вил. | Каш вил. | Жиз вил. | Сирд вил. | Тош. вил. | Тош ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами дона, | | 158 | 100 | 4 | 5 | 6 | 6 | 10 | 8 | 6 | 11 | 3 | 5 | 4 | 3 | 14 | 73 |
| % | | | | 2,5 | 3,2 | 3,8 | 3,8 | 6,3 | 5,1 | 3,8 | 7,0 | 1,9 | 3,2 | 2,5 | 1,9 | 8,9 | 46,2 |
| 1 | Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 42 | 26,6 | 1 | 1 | 2 | 2 | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 4 | 20 |
| 2 | Қурилиш маҳсулотлари | 32 | 20,3 | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 3 | 1 | 2 | 1 | | 3 | 10 |
| 3 | Электротехника маҳсулотлари | 23 | 14,6 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 10 |
| 4 | Машинасозлик маҳсулотлари | 21 | 13,3 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | 3 | 8 |
| 5 | Кимё маҳсулотлари | 14 | 8,9 | | | | | 1 | 1 | 1 | 2 | | | 1 | 1 | 2 | 5 |
| 6 | Енгил саноат | 13 | 8,2 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | | | | 7 |
| 7 | Парфюмерия ва косметика | 3 | 1,9 | | | | | | | | | | | | | | 3 |
| 8 | Медицина маҳсулотлари | 3 | 1,9 | | * | * | | | | | * | | * | | | | 3 |
| 9 | Экология | 2 | 1,3 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 |
| 10 | Хизматлар (туризм, транспорт-экспедиторлик ва б.) | 5 | 3,2 | | | | | | | | | | | | | | 5 |

* - Тошкент ш. жойлашган сертификатлаштириш идораларининг филиаллари мавжуд

Тошкент ш. ва Тошкент вил. бўйича жами – 87 та сертификатлаштириш идоралари (55,1%)

# Сертификатлаштириш жараёни




* Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб 2 кун муддатда жойига бориб сертификатция синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади

* Меъёрий хужжатда белгиланган муддатларда синов ишлари амалга оширилади

* Ишлаб чиқариш шароитини ўрганиш 10 иш кунидан 1 ой муддатгача амалга оширилади

* Гигиеник, ветеринар, фитосанитар ва экологик сертификат (хулоса)лар меъёрий хужжатда ушбу талаблар келтирилган холда тақдим этилади

* Сертификатлаштириш органи тақдим этилган хужжатлар ва синовларнинг ижобий натижалари асосида 2 иш куни мобайнида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради.

**Мувофиқлик сертификати маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи якуний хужжат хисобланади**

## Мувофиқлик сертификатларни бериш муддатлари

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ**

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур хужжатлар берилган вақтдан бошлаб:

**импорт бўйича келтирилган маҳсулотларга <u>10 иш кундан ортиқ бўлмаган</u> муддатда**

**ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга <u>10 иш кунидан 1 ойгача</u> муддатда**

## Маҳсулотга берилган сертификат билан сифат тизимига берилган сертификатларнинг фарқи

Маҳсулотни мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат

**СЕРТИФИКАТ**

Бу маҳсулотни меъёрий ҳужжатда (O'zDst, ГОСТ, TSh ва б.) кўрсатилган хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат

Сифатни бошқарув тизими

**СЕРТИФИКАТ**
(Халқаро стандартларга мувофиқ)

Бу корхонада ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун, маҳсулот (хизмат) сифатига таъсир этувчи барча омиллар ҳисобга олган ҳолда шароитлар яратилганлигини ва назорат ўрнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат

## МУВОФИҚЛИКНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАР



Маҳсулот мувофиқлик сертификати



Хизматларга мувофиқлик сертификати



Мувофиқлик хабарномаси

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини қарори ишлаб чиқилиши асослари

I. 2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезонларини ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури (ПҚ-1464 от 2011 й 07.01.) № 6, 19, 21.1, 25 бандлар.

II. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури (ПҚ-1474 от 2011й. 07.01) № 83, 96, 98, 100 бандлар

## Қарорда қуйидагилар кўзда тутилган

1. Экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш
2. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини сертификат-лаштирилишининг мувофиқлигини маълум қилиш тартибини жорий этиш
3. Хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш йўли орқали четдан келтирилаётган технологик ускуналарни сертификатлаштириш
4. Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш
5. Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюросини ташкил этиш ҳамда унинг низоми ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш

## Мувофиқликни ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби




**8-мавзу. Реал секторда сифат тизими ва ишлаб чиқаришни сертификатлашни ташкил этиш**

**Режа:**

8.1. Сифат тизимини сертификатлашнинг мазмуни. Сифат тизимини сертификатлашни амалга оширишда норматив базанинг роли.

8.2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили.

8.3. Сертификатлашни амалга ошириш бўйича ИСО халқаро ташкилотининг тавсиялари.

8.4. Хорижий мамлакатларда сертификатлаш тажрибаси (Германия, Франция ва Япония).


Хорижий мамлакатлар сертификатларини тан олиш тартиби
Буюртманома бериш
Ариза берувчи (фақат олиб кирилаётган технологик ускуналар учун)
Буюртманомага қуйидагилар илова қилинади:
- хорижий мамлаклат сертификати асли ёки нусхаси;
- хорижий мамлакат меъёрий ҳужжати нусхаси;
- маҳсулотдан фойдаланиш тавсифи ва/ёки паспорти;
- ўлчов воситаси турини тасдиқлаш сертификати;
- маҳсулот йўл ҳужжатлари нусхалари;
- гигиеник сертификат нусхаси;
(хорижий мамлакат сертификатида тегишли маълумотлар келтирилмаган холларда)
Тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили
Маҳсулот идентифи-кацияси
Қарор қабул қилиш
Асосланган рад жавоби бериш
(номувофиқликлар аниқланганда)
Миллий мувофиқлик сертификатни расмийлаштириш
Сертификатлаштириш органи


Махсулотларнинг мувофиқлигини декларациялаш жараёни
Буюртманома бериш
Буюртманомага қуйидагилар илова қилинади:
- Маҳсулотни аттестатланган ёки аккредитланган синов лабораториясида синаш баённомаси;
- хом ашё, материаллар, комплектловчи буюмларга синов баённомалари баённомалари;
- (ишлаб чиқариш) сифат тизимига сертификат;
- зарур бўлганда гигиеник сертификат нусхаси ва МҲда белгиланган бошқа талаблар ҳақида маълумотлар (ветеринар ва фитосанитар хулоса, экологик сертификат)
Тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили
Маҳсулот идентифи-кацияси
Қарор қабул қилиш
Асосланган рад жавоби бериш
(номувофиқликлар аниқланганда)
Миллий мувофиқлик сертификатни расмийлаштириш
Адилия вазирлигининг 06.04.2005й. 1465-сонли тартиби
Сертификатлаштириш органи

## "Ўзстандарт" агентлигининг маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси ТУЗИЛМАСИ




Ходимларнинг чекланган умумий сони – 17 киши (Бюджетдан ташқари манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади)
*Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари

## Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюросининг асосий вазифалари

маҳсулотларни сертификатлаштириш, ёрлиқлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур ахборотлар олиш учун ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

стандартлар, маҳсулотни сертификатлаштириш, ёрлиқлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича доимий янгилаб туриладиган маълумотномани ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни "Ўзстандарт" агентлигининг Интернет тармоғидаги сайтига жойлаштириш.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ

Гигиеник сертификация қилинадиган товарлар рўйхати тасдиқланди

Эҳтиёт қисмлар, бутловчи хом ашёлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида синов ишларини ўтказишнинг имкони мавжуд бўлмаган маҳсулотлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилди

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҚАРОРИ

Сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш корхоналарнинг экспортга етказиб беришга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси Комплексларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхатини ва уларнинг қанчаси халқаро стандартларга мувофиқлиги бўйича сертификатланганлигини пухта ўрганиб чиқсин ҳамда ўтказилган таҳлил натижаларига кўра Вазирлар Маҳкамасига сертификатланган маҳсулотлар турлари миқдорини кўпайтириш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

## СИФАТ ТИЗИМЛАРИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР СОНИ




### Ҳудудлар бўйича сифат тизими жорий этилган ва режадаги корхоналар сони

| № | Ҳудудлар | 2012 й. декабр (корхоналар сони) | Жами сертификатлар сони | Шу жумладан, | | | | Кутилаётган режа | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ISO 9001 | ISO 14001 | ISO 22000 | OHSAS 18001 | 2013 й. | 2014 й. |
| 1. | Қорақалпоғистон Рес. | 25 | 27 | 25 | 1 | - | 1 | 41 | 15 |
| 2. | Андижон вилояти | 52 | 59 | 52 | 3 | - | 4 | 39 | 12 |
| 3. | Бухоро вилояти | 41 | 46 | 41 | 1 | 2 | 2 | 58 | 18 |
| 4. | Жиззах вилояти | 12 | 12 | 12 | - | - | - | 24 | 9 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 38 | 46 | 38 | 3 | - | 5 | 85 | 17 |
| 6. | Навоий вилояти | 21 | 23 | 21 | 1 | - | 1 | 11 | - |
| 7. | Наманга вилояти | 32 | 32 | 32 | - | - | - | 38 | 8 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 35 | 42 | 35 | 3 | 1 | 3 | 76 | 15 |
| 9. | Сурхандарё вилояти | 22 | 24 | 22 | 1 | - | 1 | 51 | 20 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 30 | 30 | 30 | - | - | - | 61 | 12 |
| 11. | Тошкент вилояти | 57 | 61 | 57 | 2 | - | 2 | 120 | 24 |
| 12. | Фарғона вилояти | 48 | 50 | 48 | 1 | - | 1 | 39 | 5 |
| 13. | Хоразм вилояти | 25 | 25 | 25 | - | - | - | 56 | 16 |
| 14. | Тошкент шаҳар | 290 | 301 | 290 | 2 | 4 | 5 | 271 | 35 |
| | Жами: | **728** | **778** | **728** | **18** | **7** | **25** | **970** | **206** |

ISO 9001 - Сифат менежмент тизими
ISO 14001 - Экологик менежмент тизими
ISO 22000 - Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлиги менежмент тизими
OHSAS 18001 - Саноат хавфсизлиги ва соғлиқ менежмент тизими

## *9-мавзу: Истемолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши*

*РЕЖА:*

***1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий тушунчаларнинг моҳияти.***

***2. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ва унинг мазмуни.***



**«ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»**

**Ўзбекистон Республикаси Қонуни**

**26.04. 1996 йил**

**(30 модда)**

## Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид муносабатларда қатнашувчи шахслар

- **Истеъмолчи –**фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).
- **Ишлаб чиқарувчи** – истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор.
- **Ижрочи** – маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса, ёки хусусий тадбиркор.
- **Сотувчи** – олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса, ёки хусусий тадбиркор.

## Ҳар бир истеъмолчи билиши лозим лозим бўлган асосий ҳужжатлар

**Шартнома** – товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх, ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

**Норматив ҳужжатлар** – стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси ҳамда мувақкат фармокопея қоидалари ва бошқалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш,хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

**Мувофиқлик сертификати** – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талаб-ларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**Касса чеки** – товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар (иш, хизмат) нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

**Товар чеки** - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат) нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

## Товар (иш, хизмат) га хос бўлган хусусиятлар

**Товар** – ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

**Товар(иш, хизмат)нинг хавфсизлиги** – товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

**Товар(иш, хизмат)нинг нуқсони –** товар (иш, хизмат) ва норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товарлар (иш, хизмат) нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

**Товар(иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони -** товар(иш, хизмат) дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик.

## Товар (иш, хизмат) дан фойдаланиш муддатлари

**Кафолат муддати** – товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар, ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат) нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни иишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

**Хизмат муддати** – товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

**Яроқлилик (сақлаш) муддати** – муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин.


Товар (иш, хизмат) лар тўғрисидаги МАЪЛУМОТ
-ўз вақтида
-зарур
-тўғри
-тушунарли


Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига қуйидаги маълумотларни етказиши шарт:
- ташкилотининг номини;
- жойлашган (юридик) манзилини;
- савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини
Агар тадбиркор бўлса:
- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотни
Агар фаолият тури лицензиялашни талаб этадиган бўлса:
- лицензия тўғрисидаги маълумотни

**Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:**

- товар (иш, хизмат) мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;
- товар (иш, хизмат) нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;
- баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

- айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи) нинг кафиллик мажбуриятлари;
- товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

- товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек, бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг рақами;
- ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;
- театр-концерт тадбирлари ўтказилаётган фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот;
- сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши.

**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Монопролиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси;
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;
4. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
5. «Ўзстандарт» агентлиги;




Истеъмолчи хулқ-атвори - махсулотлар, хизматларни сотиб олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга бевосита йўналтирилган фаолият хисобланади.

Бу фаолиятга махсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишдан олдин ва кейин юзага келувчи қарорларни қабул қилиш жараёнлари хам киради.

- Истеъмолчи хулқ-атворини истеъмолчига таъсир этиш, янги тадқиқотлар олиб бориш, маданиятлараро истиқболни белгилаш каби кетма-кетликда ўрганиш мумкин.

- Истеъмолчини хабардор қилиш, алдаш ва бошқа суистеъмол қилишларни, бошқа амал қилувчи суд химоясини қўллашни хамда компенсация олиш имкониятини кўзда тутади.

Истеъмолчининг хаётида фойдали булиши мумкин бўлган ахборот дастурлари, мотивация ва хулқ-атвор буйича илмий тадқиқотларга асосланиши лозим. Хар қандай истеъмолчининг бир неча вариантдан англаб етилган ва эркин танлаш хуқуқи эркин тадбиркорлик иқтисодиётининг асоси хисобланади.

Ушбу хуқуқ бизнесдаги суистеъмол қилишлар натижасида бузилганда, хукумат монополиялар хуқуқини чеклаши ва адолатсиз савдодаги кўзбўямачиликларни олдини олиши лозим.

Корхоналарнинг мухим вазифаларидан бири бўлиб, маркетинг стратегиясига истеъмолчини ўрганишни кетма-кет тадбиқ этиш хисобланади. Истеъмолчини тушунишда қуйидаги тўртта тушунча асос бўлиб хисобланади:



- истеъмолчи - хўжайин;
- бизнесда муваффақиятга эришиш учун истеъмолчи мотивациясини ва унинг хулқ-атворини тушуниш лозим;
- истеъмолчи хулқ-атвори ташқи таъсир остида бўлади;
- истеъмолчи билан ишлашда ижтимоий қонунчиликка ва ахлоқий сезгирликка риоя қилиш зарурдир.

1960 йилда АҚШ да истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилишга мажбур қилди. Ушбу қонуннинг мазмуни қўйидагилардан иборатдир:

- хавфсиз бўлиш, яъни истеъмолчи хаёти ва саломатлигига хавфли бўлган товарлар ва хизматлардан химояланиш хуқуқи;
- ахборот олиш хуқуқи, яъни ахборот билан таъминланган танловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш; ёлғон таклифлар, кўзбўямачиликлардан химоя қилиш;
- танлов эркинлиги яъни рақобатли бахолар шароитида турли хил товарлар ва хизматларни кафолатли танлаш;
- химояланиш хуқуқи, яъни истеъмолчиларнинг манфаатлари тўлиқ ва тушунилган холда бозорни тартибга солиш буйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эътиборга олиниши лозим хамда зарарларни адолатли қоплаш кафолати;
- тоза ва соф атроф-мухитдан фойдаланиш хуқуқи;
- ахолининг камбағал қатламлари ва майда миллатларнинг ўз манфаатларини химоя қилиш хуқуқи.

## 4-модда. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;
- товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;
- товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;
- ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

## 5-модда. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи),савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот

- Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.
- Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

**10-мавзу. Реал сектор корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришида умумий ўлчов тизимини таъминлаш асосида сифатни ошириш**

- 10.1. Ўлчов сифати тушунчаси ва унинг моҳияти.
- 10.2. Ўлчов ҳолати хусусиятларининг тавсифи.
- 10.3. Ягона ўлчовни таъминлаш тизиминнг ташкил этувчилари: давлат эталони, ишчи эталон.
- 10.4. Халқаро ўлчов бирлиги тизими (СИ) ва унинг мазмуни.

Ҳар бир нарсанинг сифати бўлганлиги каби ўлчашларнинг сифати ва унинг мезонлари мавжуд. Бу мезонлар ўлчашлардаги асосий тавсифларни ифодалайди.




- **Аниқлик** — бу мезон ўлчаш натижаларини катталикнинг чинакам қийматига яқинлигини ифодалайди.
- **Ишончлилик** — ўлчаш натижаларига ишонч даражасинн белгиловчи мезон хисобланади.
- **Тўғрилик** — ўлчаш натижаларидаги мунтазам хатоликларнинг нолга яқинлигини билдирувчи сифат мезони.
- **Мос келувчанлиги** — бир хил шароитлардаги ўлчашларнинг натижаларини бир-бирига яқинлигини билдирувчи сифат мезо-ни.
- **Қайтарувчанлик** — ушбу мезон ғар хил шароитларда (турли вақтда, ғар хил жойларда, турли усулларда ва воситаларда) бажарилган ўлчашларнинг натижаларини бир-бирига яқинлигини билдиради.
- **Ўлчаш хатолиги** — ўлчаш натижасини чинакам (хакикий) қийматдан четлашувини (оғишувини) ифодаловчи ўлчашнинг сифат мезони.

## Ўлчаш хатоликлари турли сабаблар

- Ўлчаш воситасидан фойдаланишда уни созлашдан ёки созлаш даражасининг силжишидан келиб чиқувчи сабаблар;
- Ўлчаш объектини ўлчаш жойига (позициясига) ўрнатишдан келиб чиқувчи сабаблар;
- Ўлчаш воситаларининг занжирида ўлчаш маълумотини олиш, сақлаш, ўзгартириш ва тавсия этиш билан боғлиқ сабаблар;
- Ўлчаш воситаси ва объектига нисбатан ташқи таъсирлар (температура ёки босимнинг ўзгариши, электр ва магнит майдонларнинг таъсири, турли тебранишлар ва хоказолар)дан келиб чиқувчи сабаблар;
- Ўлчаш объектининг хусусиятларидан келиб чиқувчи сабаблар;
- операторнинг малакаси ва холатига боғлиқ сабаблар ва шу кабилар.



